201__
A
dagi
O'zbekiston MI

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

25 (509) ● 2018 йил 27 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК АВТОМОБИЛСОЗЛИК РИВОЖИДА БОШ ОМИЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июнь куни автомобиль саноатида жорий йил учун белгиланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, тармоқнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимиз автосаноати иқтисодиётимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётган тармоқлардан биридир. "General Motors", "MAN", "Isuzu" каби жаҳондаги етакчи компаниялар билан ҳамкорликда юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кун автомобиль саноатини модернизация қилиш ва босқичма-босқич ривожлантириш, рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқариш, уларнинг моделларини мунтазам янгилаш вазифаларини қўймоқда.

Йиғилишда тармоқда маҳаллийлаштириш, аҳолига автомобилларни тез ва арзон етказиб бериш, ташқи бозорга экспорт қилиш замон талабларига умуман жавоб бермаслиги танқид қилинди. Мамлакатимиз бир пайтлар йилига 100 мингдан зиёд автомобиль экспорт қилган бўлса, охирги 5 йилда уни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми камайган. Тармоқнинг барча даражадаги бошқарувида коррупция, товламачилик, таниш-билишчилик каби иллатлар томир отиб кетгани бунга сабаб бўлмоқда.

Кейинги 2,5 йилда автомобиль сотишда коррупция ва товламачилик ҳолатлари бўйича 99 та жиноий иш очилган. "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясида юзага келган қарздорлик оқибатида ўтган йили тизимдаги бир нечта корхона фаолиятини зарар билан якунлаган. Автомобиллар йиллар давомида ўз таннархидан паст қийматда экспортга чиқарилган. Ўз навбатида, таннархни тушириш бўйича сезиларли иш қилинмаган.

Автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрлашни ўзлаштириш ҳам қониқарсиз аҳволда. Бутловчи қисмлар импорти ҳам ҳануз юқорилигича қолмоқда.

2-бет

Сана

МУЛОҚОТ МАЙДОНИ, ЭРКИН ФИКР МИНБАРИ



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан "Оммавий ахборот воситаларида миллий тикланиш ғоясини тарғиб этишнинг долзарб вазифалари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, матбуот соҳасида самарали ишлаган фахрий журналистлар, босма ва электрон медиа тузилмаларда меҳнат қилаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, партия фаоллари иштирок этди.

Партия Марказий кенгаши раиси С.Отамуратов Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ҳаётга кенг жорий этишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг жонкуярлиги ва фидойилиги муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбга оид фаолиятини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Бинобарин, бугунги давр шиддати журналистлардан ўзгариш ва янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг, атрофлича ва таъсирчан тарзда тушунтиришни, жамиятда учраб турувчи турли камчиликларга нисбатан теран танқидий-таҳлилий ёндашишни, давр билан ҳамнафас бўлишни талаб этмоқда. Шиддатли давр талабларига жавобан янада фаол, изланувчан, ҳозиржавоб бўлиш, фуқароларда ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик туйғусини юксалтириш оммавий ахборот воситаларининг доимий диққат марказида бўлиши керак.

Тадбирда миллий тикланиш ғоясини оммавий ахборот воситаларида фаоллик билан ёритган бир гуруҳ журналистларга совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

Замонамиз зиёлиси

"МАЪНАВИЯТИ БУТУН ОДДИЙ КИШИ ҲАМ ЗИЁЛИДИР..."

Ҳар бир юрт, ҳар қайси замонда ёшлар, аввало, ўз даврининг зиёлилари — санъат, маданият ва фан соҳаси вакилларидан андоза олган, улар ортидан эргашган. Шу боис, ўз навбатида, улар ҳам хуш хулқи, муомаласи, юксак инсоний жиҳатлари, кийиниш маданияти билан барчага ўрнак бўлган.

2017 йили 3 август куни давлатимиз раҳбари ижодкор зиёлилар билан учрашувда айни шу масалага тўхталиб, хушовоз хонанда Санобар Раҳмоновaнинг ижодини ҳурмат билан тилга олган эди. Эътироф этилганидек, телеэкранда ҳам, ҳаётда ҳам, энг аввало, ўзининг миллийлиги —ибоси, ҳаёси, ҳақиқий ўзбек қизига хос қиёфаси билан қанчадан-қанча қизларимизга ибрат бўлган санъаткор ҳали-ҳамон чинакам зиёли ўзбек аёли тимсоли бўлиб келмоқда.

Шу боис эл суйган таниқли санъаткор Санобар РАҲМОНОВА билан суҳбатимизни бугунги зиёли инсон, унинг сифат ва хусусиятлари қандай бўлиши лозим, деган саволга жавоб излашдан бошладик.

— Халқимизнинг асрлар давомида синовдан ўтган ҳикмати бежиз айтилмаган: "Олим бўлма, одам бўл", — дейди Санобар Раҳмонова. — Инсон маънавиятли, чин зиёли бўлиши учун бирор-бир юқори нуфузга эга бўлган олий ўқув юрти ёки академияда таҳсил олиши шарт эмас, деб ўйлайман. Кишида энг аввало ички маданият, одоб-ахлоқ, юксак онгу тафаккур бўлиши зарур. Бунинг учун кўп китоб ўқиш, ўқиганда ҳам уқиб ўқиш, майда-чуйда, маиший масалалар атрофида ўралашмасдан, одамларга қандай яхшилик қилсам экан, деган фикр билан яшаш керак.



Айтайлик, теварак-атрофимизда ўзи деҳқон бўлса-да, тафаккури баланд, билимли, ҳар қандай мавзуда аниқ, жўяли дунёқарашга эга, кенг мулоҳазали кишилар жудаям кўп. Мен мана шуларни ҳам ҳақиқий зиёли, ватанпарвар инсон, деб айтгим келади.

8-бет


Қадрият

ЯНГИЛАНИШ ДАВРИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази иморатининг тамал тошини қўйиб бергани, менинг назаримда, маънавий-маърифий янгиланиш даврининг тамал тошидир. Ана шу маънода 2018 йилнинг 15 июнь куни — ҳижрий 1439 йилнинг 1-шаввол, жума ва рамазон ҳайити куни Ўзбекистон тарихида ўчмас воқеа сифатида қайд этилди.

Президентимиз мазкур маросим асносида зиёлилар билан ўтказган самимий суҳбатида мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ҳаётнинг асос ва истиқболларини белгилаб берди, шунингдек, энг долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Суҳбатдан чиқадиган муҳим хулосалардан бири шуки, Ислом цивилизацияси марказининг ташқи кўриниши ўзига хос гўзалликка эга бўлиши шубҳасиз. Лекин унинг мазмун-моҳияти қандай бўлади? У фақат тарихни акс эттирувчи жонсиз манзарага айланиб қолмасдан, муқаддас ислом дини ҳаёт дини эканини исбот этувчи, буюк илму маърифат, одоб ва ахлоқ, юксак маънавият ва маданият, инсонпарварлик тамойилларини кўрсатувчи ҳақиқат кўзгусига айланиши зарур.



Марказ учун жамланаётган кўплаб бебаҳо қўлёзма ва тошбосма асарлар фақат музейнинг шунчаки жиҳозига айланиб қолмасдан, халқимиз ва дунё олимлари истифода этадиган ҳаёт кутубхонасига айланиши лозим. Президентимизнинг бу борадаги сўзлари ҳар бир зиёлини тафаккур ва фаолиятга ундаши шубҳасиздир.

6-бет

ЎзМТДП хаёти

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ФАХРИЙЛАР КЕНГАШЛАРИ ТУЗИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси 2008 йил 20 июнда Ўзбекистон "Фидокорлар" миллий демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси бирлашув Қурултойи қарорига асосан ташкил топган эди. Шу муносабат билан ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотларида партия фахрийлари билан давра суҳбатлари ташкил этилди. Партия фаоллари, фахрийлари ҳамда ёшлар иштирокида ўтган ушбу тадбирларда ЎзМТДПнинг ўтган даврдаги фаолияти, бугун юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ва келгусидаги вазифалари хусусида фикр-мулоҳазалар алмашилди. ЎзМТДПнинг бундан кейинги фаолиятини янада кучайтириш, депутатлик бирлашмалари ташаббускорлигини ошириш мақсадида партиянинг Марказий ва барча ҳудудий кенгашлари ҳузурида Фахрийлар кенгашлари тузилди. Зеро, партия тизимида фаолият кўрсатган фахрийларнинг иш тажрибалари, маслаҳат ва йўл-йўриқлари бугунги ёш кадр ҳамда депутатлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

2-бет

Фракция позицияси

СОҒЛОМ ТУРМУШ — ИЛЛАТ ЙЎЛИГА ҒОВ

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан қуйи палатага киритилган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Азамат ПАРДАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан киритилди. Унинг тайёрланиши ва киритилиши, албатта, давр талаби ва эҳтиёжи билан боғлиқ. Чунки, амалдаги қонунчилигимизда чилим ва электрон сигарета, шунингдек, чилим ва электрон сигарета чекиш учун аралашмалар тўғрисидаги тушунчалар мавжуд эмас. Шунингдек, чилим ва электрон сигареталар истеъмол қилишни реклама ва тарғиб қилишга йўл қўймаслик тўғрисида тақиқ белгиланмаган. Бунинг оқибатида чилим ва электрон сигарета чекиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган ва ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

2-бет

Танқиддан сўнг...

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ, ЛЕКИН...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида "Депутат бўлиш, халқ ишончини қозониш ва уни муносиб равишда оқлаш — бу осон эмас. Бундай шараф ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Депутат — фикри зикри билан халққа энг яқин одам, доимо эл-юртнинг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс", дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, депутат энг аввало, халқ вакили. У кўпсонли аҳолининг манфаатларини ифода қилади, таклиф, муаммо ва мурожаатларини тинглаб, шу асосда иш олиб боради, халқ ва давлат ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, газетамизнинг 2018 йил 21 февралдаги сонида **"Оёғи ердан узилган" мутасаддилар: халқ вакилларининг 33 сўровига беписанд муносабатда бўлиб жавоб қайтармади"** сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилган эди.

Унда халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи аъзоларининг тегишли ташкилотларга йўллаган депутатлик сўровларига жавоб бермаган, ўз ишига совуққонлик билан қараётган, халқ вакиллари кўтариб чиқаётган долзарб масалаларнинг ечимига етарли даражада аҳамият бермаётган бефарқ, лоқайд мутасаддилар ҳақида бонг урилган эди.

3-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
25 (509) 2018 йил 27 июнь, чоршанба

ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК АВТОМОБИЛСОЗЛИК РИВОЖИДА БОШ ОМИЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари мазкур камчиликларни бартараф этиш, автомобилсозликда маҳсулот таннархини камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, импортни қисқартириш бўйича топшириқлар берди. Тармоқ корхоналарини айланма маблағлар билан тўлдириш, автомобиллар ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Автомобиль саноатининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда юзага келаётган зарар ҳажмини қисқартириш муҳим ўрин тутади. Президентимиз шу мақсадда 2020 йилгача босқичма-босқич фойда билан экспорт қилиш чораларини кўзда тутувчи комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Ички бозорда автомобиль сотишда коррупция бартараф этилмаётгани аҳоли норозилигига олиб келмоқда. Автосалонларнинг жойлашиши ва автомобиллар тақсимоти ҳудудлар аҳолисининг талабларига жавоб бермайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Мисол учун, 3 миллион аҳолиси бўлган Қашқадарё вилоятида атиги 2 та автосалон хизмат кўрсатаётган бўлса, 2,8 миллионлик аҳолиси бор Тошкент вилоятида 12 та автосалон мавжуд. Натижада аҳоли қўшни вилоятлардан автомобиль қидириб сарсон бўлмоқда.

Юқоридаги камчиликлардан келиб чиқиб, йиғилишда автомобиль ишлаб чиқаришда иқтисодий манфаатдорликни ошириш, ташқи бозорда рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, уларни сотиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ҳукумат ва "Ўзавтосаноат" компанияси раҳбариятига мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғи жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаши учун уни изчил ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, янада замонавий машиналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа инновацион технологияларни жалб этиш ва инвестициялар оқимини кўпайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

ЎзА

Фракция позицияси

СОҒЛОМ ТУРМУШ — ИЛЛАТ ЙЎЛИГА ҒОВ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шу боис "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш тўғрисида"ги қонунда чилим ва электрон сигареталарни чекиш мумкин бўлмаган жамоат жойлари таркиби аниқлаштирилмоқда, уларни реклама қилишни чеклаш ва тарғиботини тақиқлашга оид меъёрлар киритилган. Шунингдек, жамоат жойларида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга масъул шахслар ва уларнинг мажбуриятлари белгиланган. Чилим ва электрон сигареталар чекиш учун жамоат жойларида хоналар ва жойлар ажратиш, шунингдек, жамоат жойларида чилимлар, чекиш аралашмаларини фойдаланиш учун тақдим этиш тақиқланмоқда.

Чилим ва электрон сигареталар чекиш, айниқса, ёшлар орасида гўёки замонавийлик белгиси сифатида кенг тарқалаётгани ачинарли ҳол. Шундай экан, ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ташаббуси асосидаги мазкур қонун қабул қилиниши жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекиш кенг тарқалишининг олдини олади. Чекмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди ёки тамаки тутунидан заҳарланишини бартараф этади.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси чилим ва электрон сигареталар таъсиридан фуқаролар соғлиғини асраш, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, кашандаликка қарши кураш муҳитини шакллантиришга қаратилган. Ўрганишларимиз давомида электрон сигареталар ва чилим чекишнинг аҳоли саломатлигига таъсири тамакидан ҳам кўра юқори эканлиги, чилим чекиш жараёнида организмга ис газидан ташқари катта миқдорда хром, никотин, қўрғошин, смола, формальдегидлар, бензоллар, полициклик углеводлар, карбоксигемоглобин ва бошқа заҳарли бирлашмаларнинг тушишини аниқладик. Бу эса юрак қон-томир, ўпка ва нафас йўллари касалликларига, овқат ҳазм қилиш тизимлари фаолиятининг бузилишига, онкологик касалликлар ривожланишига, жинсий ва репродуктив қобилиятнинг сусайишига олиб келади. Тамаки маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган санитар меъёр ва қоидалар талабларига риоя этилган стандарт ва технологиялар асосида тайёрланади. Бироқ чилим чекишда фойдаланиладиган қўшимчалар турли хил бўлиб, таркиби номаълум. Уларнинг сифати ва таркибига бўлган талаблар қонунчиликда кўзда тутилмаган. Чилимда фойдаланиладиган, никотинсиз аралашмалар ҳам инсон саломатлиги учун барча ёнувчи моддалар каби хавфли ва зараррлидир. Шунингдек, чилим чекишда тамаки маҳсулоти ва мевали аралашмалар билан бир қаторда камроқ миқдорда бўлса-да наркотик моддалар (наша) ва соғлиқ учун зарарли бўлган бошқа ингредиентларни истеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Масалан, фильтр вазифасини ўтовчи сув ўрнига аксарият ҳолларда таъсир кучини ошириш мақсадида спиртли ёки спиртсиз бошқа ичимликлардан фойдаланилади. Шу билан бирга, чилим ва электрон сигареталарни гуруҳ бўлиб чекиш гигиена талаб ва қоидаларига мос келмайди — оғиздаги сўлак трубка орқали бир инсондан иккинчисига ўтади. Натижада гепатит, стафилакок, сил, грипп, герпес ва бошқа юқумли касалликларни юқиш хавфи кўп марта ошади.

ЎзМТДП ҳаёти

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида "Ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади", дея таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, партиянинг ўз ўрнига эга сиёсий куч сифатида фаолият олиб боришида фахрийлар кўмакдош, елкадош бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатида партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов сиёсий партияларнинг бугунги кунда тутган ўрни, ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг амалга ошираётган ишлари, амалий ташаббуслари, қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштироки хусусида тўхталиб ўтди. Партия фаолиятини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашда Фахрийлар кенгашларининг ўрни муҳимлигини таъкидлади. Ушбу кенгашларни тузишдан мақсад — партиянинг салоҳиятли аъзолари ва фаоллари, ҳаётий тажрибага, халқ орасида катта обрўга эга бўлган вакилларининг интеллектуал салоҳиятидан, билим ва тажрибасидан самарали фойдаланиш, уларни бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнларга жалб этиш, катта авлоднинг жамият, оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини оширишдан иборат.

Тадбирда ЎзМТДП фахрийлари — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров, юридик фанлари доктори Ахтам Турсунов ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев сўзга чиқиб, партиянинг тарихи, бугуни ва унинг олдида турган вазифалари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ФАХРИЙЛАР КЕНГАШЛАРИ ТУЗИЛДИ





— Ҳар бир улуғ ҳодисанинг жозибали номи бўлиши билан бирга жозибадор тарихи ва тараққиёти ҳам бор, — деди ЎзМТДП фахрийси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров. — "Миллий тикланиш" демократик партияси ана шундай жозибадор ном, тарих ва тараққиёт йўлига эга партия саналади. Партиянинг муваффақияти унинг номида мужассам, десак хато бўлмайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ривожланиш жараёнида учта — "Ватан тараққиёти", "Фидокорлар" ва "Миллий тикланиш" партиялари ўз мақсад-ғоялари билан бир-бирига яқин, параллел тарзда бораётган сиёсий куч эди. Шу боис кейинги янгиланишлар жараёнида учала партия босқичма-босқич ўзаро бирлашиб бугунги "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкил этилди. Энг аҳамиятлиси, ушбу партия тасодифан ташкил бўлгани, миллий тикланиш ғояси сунъий равишда тўқиб чиқарилгани йўқ. Маълумки, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Асадулла Убайдуллахўжаев, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби буюк аждодларимиз миллий тикланиш ғояси, халқимизнинг миллат сифатида шаклланиши ва дунёга чиқиши учун жон куйдирган, жонини фидо қилган. ЎзМТДП ғояси ўзида аждодларимизнинг XIX асрда бошланган уйғониш давридаги ҳаракатлари, эзгу ниятлари, орзу-умидларини мужассам этган. Шу боис ҳам партия ўз мақсад ва ғояси билан яшовчан, ҳамиша халқ ичида бўлишга, меҳру муҳаббат қозонишга, мангу яшашга ҳақли. Чунки мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатда демократик қадриятларни қарор топтиришда миллий тикланиш ғояси долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фаолияти халқ тарихи, илдизи ва қадриятлари билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Унинг яна бир ўзига хослиги — зиёлилар партияси эканлигидир. Жамиятни зиёлилар, етук мутахассислар воситасида ривожлантириш, улар орқали жамият ичига илғор ғоялар билан кириб бориш, фаол фуқаро сифатида юрт корига камарбаста бўлиш мумкин. Қайси мамлакатда ўз соҳасини пухта биладиган мутахассис кадрлар кўп бўлса, ўша мамлакатнинг тараққиёти, эртанги куни ишончли қўлларда бўлади, ишончли қадамлар билан ривожланади. Чунки ўзининг соҳасини билмайдиган, алифни калтак дейдиган, оғзинг қани, деса, қулоғини кўрсатадиган одамлар билан зиёли жамиятни бунёд этиб бўлмайди. Ҳозир юртимизда ана шундай зиёлилар қатламини кенгайтириш ҳаракатлари изчил бормоқда, ёш авлодга хорижий тилларни пухта ўргатишга эътибор қаратиляпти. Бу каби ғоялар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурида мавжуд. Партия ушбу мақсадлар билан замонавий, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётини мустақил равишда қура олишга қодир, ҳар қандай ғояни ҳазм қила оладиган, ривожлантира оладиган ёшларни тарбиялайди. Умуман, миллий тикланиш ғояси жамият тараққиёти, маърифати, давлат равнақи учун хизмат қилади. Демак, бу ғоя учун ҳар қанча ишласанг, меҳнат қилсанг оз.

Дарҳақиқат, сиёсий партия жамиятдан бир қадам олдинда юриши, пешқадам бўлиши керак. Шундагина у муваффақиятга эришиши мумкин. Давра суҳбатида қайд этилганидек, партия ташкилотлари қошида тузилган Фахрийлар кенгашлари айни шу мақсадда ЎзМТДПга кўмакдош бўлади.

Ўқув-семинар

ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАР ВА ЁНДАШУВЛАР

ЎзМТДП ФАОЛИЯТИНИ НАМОЁН ЭТИШДА АСОСИЙ ВОСИТА, ЛЕКИН БУГУНГИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ МАТБУОТ КОТИБЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Шу йилнинг 25-26 июнь кунлари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳудудий партия ташкилотлари матбуот котиблари учун "Партия тизимида жамоатчилик билан алоқалар самарадорлигини ошириш усуллари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, бу борада амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар ҳамда келгусидаги вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўқув-семинарда партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов иштирок этди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси эътибор қаратиши лозим бўлган асосий масалаларга ҳам тўхталиб, бу борадаги фаолиятимизни танқидий таҳлил қилган эди, — деди партия етакчиси. — Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида партиямизнинг барча йўналишдаги фаолияти тубдан ўзгарди. Партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлар фаолиятида қуруқ ваъдалар ҳамда тадбирбозликдан воз кечилиб, асосий эътибор партия электорати муаммоларини ўрганиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда ўз ечимини кутаётган масалаларга ечим топиш каби амалий ишларга қаратилди. Партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, инвентаризациядан ўтказиш, кадастр ҳужжатларини тайёрлаш, тарихий обидаларни тиклаш-таъмирлаш, шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш борасида қатор ўрганишлар амалга оширилди. Ўрганишлар натижаси бўйича тегишли мутасаддиларга таклифлар киритилди, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз томонидан сессияларга ташаббус-масалалар олиб чиқилмоқда. Фаолиятимиз давомида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқларни кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Шундай экан, ОАВнинг барча туридан, Интернет майдонларидан, айниқса, ижтимоий тармоқлар имкониятидан самарали фойдаланган ҳолда ЎзМТДП ҳаётини ёритиб бориш партия ташкилотларидаги матбуот котибларининг энг асосий вазифасига айланиши керак. Бугунги шиддатли давр партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини тарғиб қилиш билан бирга, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга партия позицияси асосида тезкор муносабат билдириш, амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, демократик ўзгаришлардан аҳолини хабардор қилиб боришни тақозо этмоқда. Бунинг учун ЎзМТДП ташкилотлари матбуот котиблари чуқур билим, салоҳият, касбий маҳорат, тезкорлик ва катта тажрибага эга бўлиши керак. Журналистика бу — санъат, маҳорат. Демак, партия тизимидаги барча матбуот котиблари ўз устида ишлаб, изланишдан, билим олишдан, замонавий усулларни ўрганиш ва фаолиятига татбиқ этишдан тўхтамаслиги керак. Жамоатчилик билан ишлаш масаласига ҳам эътибор қаратиб, брифинг, матбуот анжуманлари ташкил этишни йўлга қўйиши зарур. Партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг амалий ишлари хусусида оммавий ахборот воситалари вакилларига мунтазам маълумот етказиб туриши мақсадга мувофиқ.

Семинар давомида бугун партия ташкилотлари матбуот котиблари олдида турган вазифалардан келиб чиқиб, PR кампаниялар ташкил этиш, партия фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини ёритиш, ахборотни визуаллаштириш, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишда ОАВлар билан самарали ишлаш, медиа лойиҳалар яратиш бўйича тренинглар ташкил этилди. Тележурналист Инобат Нормуродова, "Нуроний" газетаси бош муҳаррири Олимжон Ўсаров, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Шавкат Ибрагимов ва бошқаларнинг фаолиятни жадаллаштиришга доир маърузалари тингланди. Зарур тавсиялар берилди.

— ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатларимизнинг қатор масалалар бўйича ўрганишлари, янги ғоя ҳамда ташаббуслари, айниқса, ижтимоий тармоқларда кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинди. Минглаб фикр-мулоҳаза, муносабат ва изоҳлар билдирилди, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Масалан, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим ҳамда мусиқа ва санъат мактабларида мусиқа дарслари, болалар қўшиқчилиги ва "Баркамол авлод" марказлари фаолияти бўйича ўрганиш натижалари турли оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда мунтазам ёритиб борилди. Шунингдек, парламент қуйи палатасидаги фракциямиз аъзоларининг энергетик ичимликлар, чилим ва электрон сигареталарни чеклаш билан боғлиқ қонунчилик ташаббуслари фуқароларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Бу каби амалий ишларни янада кенгроқ ёритиш, тарғиб-ташвиқ қилиш имкониятимиз бор. Бунинг учун замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, шу орқали ҳар бир партия ташкилоти ўз йўлига, ўз имиджига эга бўлиши керак.

Семинарда барча матбуот котибининг ҳам жамоатчилик билан алоқалари, бугунги фаолияти қониқарли даражада эмаслиги алоҳида қайд этилди. Ҳолбуки бугун партия фаолияти, ташаббуслари ва миллий тикланиш ғоясини кенг жамоатчиликка етказишда замонавий воситалар бисёр. Улар фаолияти сарҳисоб қилинар экан, ЎзМТДП Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона вилоят кенгашларининг фаолияти бугунги давр талаблари даражасида ёрита олинмаётгани, ушбу ҳудудлардаги партия ташкилотлари матбуот котиблари ўз ишини янада самарали ташкил қилиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, партия ташкилотлари фаолиятининг "Milliy tiklanish" газетасида чиқишлари, матбуот котибларининг таҳририят билан ҳамкорлик алоқалари таҳлил қилинди.

Ўқув-семинар мобайнида иштирокчилар ўзаро тажриба ва фикр-мулоҳаза алмашдилар, билдирилган танқидий таҳлиллар асосида келгусидаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Шунингдек, семинар доирасида иштирокчилар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа, Халқлар дўстлиги майдони ҳамда Занги ота зиёратгоҳида бўлдилар.

ТААССУРОТ, ХУЛОСА ВА МУЛОҲАЗАЛАР:



Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Ўқув-семинарни ташкил этишдан асосий мақсад — ўзаро тажриба алмашиш, мавжуд ютуқларни оммалаштириш, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, фаолиятни давр билан ҳамнафас ва ҳамқадам тарзда ташкил этишдан иборат. Матбуот котиблари — партия фаолиятини намоён этувчи асосий куч. Мадомики шундай бўлгач, улар бунинг учун барча ахборот воситаларидан унумли фойдалана билишлари керак. Масалан, вилоят ва туманларда мустақил телеканал, радио, газета ва журналлар бор. Олис ҳудудларда аҳоли ичига ижтимоий тармоққа нисбатан улар кенг ва чуқурроқ кириб борган: аудиторияси кенг. Ўқув-семинарда таъкидланганидек, матбуот котибларимиз бугун айни шу восита ва омилларни назардан қочирмасликлари, улардан имкони борича кенгроқ фойдаланишлари керак. Бу, ўз навбатида, партиямиз мақсад-ғояларини аҳоли ичига янада чуқурроқ кириб боришига ҳам хизмат қилади.



Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби:

— Бугунги семинар-тренингда билдирилган фикр-мулоҳаза ҳамда фаолиятимизга берилган баҳолардан келиб чиқиб, ўзимга савол бердим: партиямиз имиджини яратувчи, юзини кўрсатувчи биз матбуот котиблари бугунги давр талабларига қай даражада жавоб бера оляпмиз? Ўтган даврдаги фаолиятимиз танқидий таҳлил қилинган мазкур семинар давомида шунга амин бўлдимки, янги ва замонавий технологиялар ва усуллардан фойдаланишда мавжуд имкониятларни тўлақонли ишга сола олмаяпмиз. Чунки бугунги шиддатли давр ҳар бир сиёсий партия ва унинг депутатлик бирлашмаларидан амалий ишларни талаб этаётир, олдимизда муҳим вазифалар, қилишимиз зарур бўлган ишлар кўп. Бу йўлда ҳар бир ҳудудий партия ташкилоти депутатлик бирлашмалари билан ҳамкорликда, бирдамликда иш олиб бориб, ахборот тайёрлаш ва тарқатишда замонавий усуллардан самарали фойдаланиши зарур.



Дилобар КАТТАБЕКОВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби:

— ЎзМТДП тизимида фаолият бошлаганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу боис бугунги семинар келгусидаги фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз. Партия етакчиси ва устоз журналистларнинг маърузаларидаги қимматли фикрлар, йўл-йўриқлар, шунингдек, ҳамкасбларимиз билан ўзаро тажриба алмашганимиз келгусида самарали фаолият кўрсатишимизда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмакдош бўлиш, партия дастурий вазифалари ижросига қаратилган амалий ишларни янада кенгайтириш ЎзМТДПнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Партия тизимида олиб борилаётган ишларни тезкор ва моҳирлик билан кўрсатиш биз матбуот котиблари зиммасидаги энг асосий вазифа эканлигини унутмаслигимиз керак.



Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби:

— Икки кунлик семинар-тренингда, аввало, ортга назар ташлаб, фаолиятимизни танқидий жиҳатдан яна бир бор таҳлил қилиш, тегишли хулоса чиқариш имконига эга бўлдик. Унда таъкидланганидек, дарҳақиқат, бугунги тезкор ахборот замонида ҳар бир журналист қандайдир рақамлар, баландпарвоз гаплар билан эмас, амалий натижалар билан ўзини кўрсатиши, янгича инновацион ғоялар, қарашлар ва фикрлар билан чиқиши лозим. Чунки, ҳозирги шиддатли давр сиёсий партиялар ва уларнинг вакилларидан жамиятдан бир қадам олдинда юришни тақозо этмоқда. Ушбу семинар-тренинг биз — матбуот котибларини тезкорлик ва аниқликка эришиш, фаоллик кўрсатишга ундагани билан аҳамиятлидир.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Муҳтарама КОМИЛОВА тайёрлади.

Менда таклиф бор

ЮРТИМ БАЙРОҒИ — ҚАЛБИМ АРДОҒИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВЛАТ БАЙРОҒИ МАЙДОНИ БУНЁД ЭТИЛСА...

Давлат байроғи мамлакат мустақиллигини белгиловчи тимсоллардан биридир. У давлатнинг тузумини, халқнинг менталитетини, иқтисодий асосларини ва бошқа муҳим белгиларини англатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига кўра "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга".



Давлатимиз байроғи мустақиллигимиз рамзидир. Байроғимиз давлат идора ва ташкилотлари, ҳарбий қисмларда ҳилпираб турибди. Қуролли Кучларимиз сафига чақирилган, ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларимиз давлатимиз байроғи пойида Ватанни кўз қорачиғидай асраш, уни ўз шаъни ва номусидай муносиб ҳимоя қилишга қасамёд қилади.

Мана, йигирма олти йилдирки, миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ҳилпираб турган байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Ватанимиз байроғи бугун ҳам халқимиз қалбида ватанпарварлик оловини ёқиб, уларни белни яна да маҳкам боғлашга, миллатни эрк ва озодлик туғи остида бирлашишга чақираётгани, даъват қилаётгани айни ҳақиқат. Ватанимиз истиқболи билан боғлиқ эзгу орзуларимиз, келажакка бўлган комил ишончимиз байроғимиз тимсолида жилоланади, десак асло муболаға бўлмайди.

Ҳар бир инсон онгу шуурига Ватанимиз рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуларини сингдириш, умуммиллий ва эҳтиром тимсолларидан бири бўлган байроқни улуғлаш ва ардоқлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Пойтахтимиз — ҳамиша навқирон ва қадимий Тошкент шаҳри давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ўзининг янги ва замонавий қиёфасига эга бўлаётир, нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод мегаполислардан бирига айланмоқда.

Айни шу жараёнда мамлакатимизнинг кўп сонли ёшлари таклифи, хоҳиш-истаги ўлароқ азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида янги авлодни ватанпарварликка ундовчи, халқимизнинг ғурурини акс эттирувчи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча фуқароларимизни бирлаштирувчи, пойтахтимизга ташриф буюрувчи меҳмонлар ва сайёҳларга миллатимизнинг "мен"ини намоён этувчи иншоот сифатида **Давлат байроғи майдони** бунёд этилса, нур устига нур бўларди.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида 100 метрдан баланд бўлган байроқли устун (флагшток) — давлат байроғи майдонлари қўр тўкиб турибди. Масалан, жаҳондаги энг баланд — 170 метрли байроқли устун Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ўрнатилган. Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида 165 метрли, Озорбайжоннинг Боку шаҳрида 162 метрли байроқли устун мавжуд. Шу билан бирга, АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония ва бошқа қатор ривожланган мамлакатларда ҳам давлат ва жамоат идоралари ёнида баланд устунларга давлат байроғи ўрнатилган майдонлар бунёд этилган.

Агар пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлардан бирида Давлат байроғи майдони бунёд этилса, унга катта ҳажмдаги байроқли устун ўрнатилса ҳамда ана шу майдонда 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун тантанали равишда нишонланса фуқаролар, айниқса, ёшларда ватанпарварлик, миллий истиқлол ғоясига садоқат, давлатимиз рамзларига ҳурмат, ғурур ва ифтихор туйғуларининг ортишига хизмат қилган бўларди. Бинобарин, байроғимизни эъзозлаш фуқароларда ўз мамлакатига ва келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди. Байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксаклигидан далолатдир.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Давлатимиз байроғига ҳурмат "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунни пухта ўрганиш ва унга тўла амал қилишимизда ҳам намоён бўлар экан, ҳаёт гардиши шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб бориши жараёнида 1991 йил 18 ноябрь куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун амалиётда эскирмадими, уни ўзгартириш фурсати келмадими, деган савол пайдо бўлади.

Биринчидан, ҳар йили анъанага кўра, турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан давлат мустақиллиги байрами ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан жамоатчиликка байрам туҳфаси сифатида байроғимиз акс эттирилган сувенир, лента ва бошқа маҳсулотлар миллионлаб нусхада ишлаб чиқарилади ҳамда кўп ҳолларда у бегараз тақдим этилса-да, баъзи ҳолларда тижорат мақсадларида фойдаланиш ҳоллари учрайди.

Ваҳоланки, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуннинг 5²-моддасида *"Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас"* лиги белгиланган. Бундай ҳолатда ўз юртининг фидойилари бир вақтнинг ўзида унинг қонунбузарлари ҳам саналади.

Иккинчидан, айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар рамзларида давлат байроғи элементлари мавжуд. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари *Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши мумкин эмас ҳамда Давлат байроғининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмаслиги* белгиланган.

Демак, яна савол туғилади: республикамизда фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларнинг яна нечтасининг рамзларида давлат байроғи акс этган? Узоққа боришнинг ҳожати йўқ, мамлакатимиздаги энг йирик нодавлат ташкилотлардан ҳисобланган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг рамзларида ҳам давлат байроғи тасвиридан фойдаланилган. Амалдаги қонунда эса давлат байроғи фойдаланилиши мумкин бўлган саноқли давлат ташкилотлари рўйхати келтирилган...

Учинчидан, "аввал ўзингга боқ...", деган халқ нақлига амал қилган ҳолда айтиш мумкинки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мажлислар залининг тўрида иккита байроқ туради. Биринчиси давлат байроғи, иккинчиси партияники. Бундай ҳолатни айни пайтда яна бир қанча жамоат ташкилотлари, хусусан, меҳмонхона, бозор, савдо дўконлари, кўнгилочар масканларда ҳам кузатиш мумкин.

Бундан ташқари ёшларимизнинг "замонавийлик" белгиси сифатида дунёнинг ривожланган мамлакатлари байроқлари туширилган футболка, кепка, рюкзак ҳамда турли аксессуарлардан фойдаланиши ҳам тобора оммалашиб бормоқда.

Хўш, бундай ҳолатлар бошқа давлатлар қонунчилигида қандай тартибга солинган ёки мустаҳкамланган?

"Россия Федерациясининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг 9.1. моддасига мувофиқ *"Фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар давлат байроғи ва унинг тасвиридан давлат байроғига ҳурматсизлик кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин"*, шунингдек, Давлат байроғидан фойдаланиш тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ *"давлат байроғи қутилар, салфетка, дастрўмол, чойшаблар, ёстиқ ва бошқа шахсий ҳамда вақтинча фойдаланиладиган буюмларда қўлланилиши мумкин эмас"* лиги белгиланган.

Америка Қўшма Штатлари байроқ Кодексига мувофиқ давлат байроғи аксарият жамоат биноларида доимий равишда йил давомида кун чиққандан кун ботгунга қадар ўрнатилиши ва давлат байроғини етарли даражада ёритиш чоралари кўрилган бўлса, у қоронғида ҳам туриши мумкинлиги, давлат байроғи *ноқулай об-ҳаво, яъни ёғингарчилик, қор, шамол ва бошқа табиат инжиқликлари вақтида ўрнатилиши мумкин эмаслиги* кўрсатилган (байроқ об-ҳаво таъсирига учрамайдиган материалдан тайёрланган ҳолат бундан мустасно).

Канада Давлат байроғи ҳақидаги қоидаларга (протоколига) мувофиқ фуқаролар учун давлат байроғини намойиш этишда ҳеч қандай чекловлар ўрнатилмаган, аксинча, кўп қаватли уй, бино ва иншоотлар, жамоат ташкилотлари ва бошқа жойларда ҳам исталганча давлат байроғини ўрнатиш тавсия этилган.

"Қозоғистон Республикаси давлат рамзлари тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг 4-моддасига мувофиқ *"Қозоғистон Республикаси давлат байроғи бино ва иншоотларда уларнинг эгаларининг хоҳишига кўра ўрнатилиши мумкин"*, дейилган.

"Туркманистоннинг Давлат байроғи тўғрисида"ги (янги таҳрирда) қонуннинг 3-моддасига мувофиқ *"Туркманистон давлат байроғи доимий равишда корхона, ташкилот ва идоралар ҳамда аҳоли турар-жойларида ўрнатилиши белгиланган"*.

Бундан кўринадики, аҳоли, айниқса, ёшларда миллий онг, миллий ғурурни давлат рамзлари орқали шакллантириш, истиқлолимиз ва истиқболимиздан дарак берувчи давлат рамзларига ҳурмат туйғусини қадрият даражасига кўтариш, бу туйғуни мустаҳкамлаш орқали уни умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қайта кўриб чиқилса, шу билан биргаликда давлат байроғидан фойдаланиш доираси кенгайтирилса, энг асосийси, Давлат байроғи майдони бунёд этилиб, унга катта ҳажмдаги байроқли устун ўрнатилса ҳамда бу ерда 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун тантанали равишда нишонланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳамдам НИЁЗОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгашининг
ёшлар масалалари
бўйича бўлим бошлиғи

Танқиддан сўнг...

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мана орадан 100 кундан зиёд вақт ўтди. Хўш, шунча вақт ичида мақолада келтирилган муаммолар ечим топдими? Депутатлик сўровлари одамларнинг оғирини енгил қилиб, мудраб ўтирган мутасаддилар фаолиятига туртки бердими? Қуйида яна мавзуга қайтиб, шу ҳақда тўхталамиз.

Аввало, айтиш жоиз, мазкур мақола халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 27-сессиясида атрофлича муҳокама қилинди. Кенгаш раиси, вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Хайрулло Бозоров мақолада келтирилган 33 депутатлик сўровига беписандлик билан муносабатда бўлган мутасаддиларга нисбатан чора кўриш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий ижро органлари раҳбарларига аниқ топшириқлар берди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ, ЛЕКИН...

Сессия муҳокамасидан кейин маҳаллий Кенгашларда ишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Энг аввало, мутасадди раҳбарлар юборилаётган сўровлар ортида, биринчи навбатда, депутатга ишонч билдирган сайловчилар, одамлар манфаати турганлигини ҳис эта бошлади. Ҳудудларда депутатлик сўровларига тегишли ташкилотлар томонидан ўз муддатида жавоб қайтаришга эътибор кучайди. Танқидий мақолада мисол тариқасида келтирилган депутатлик сўровларида баён этилган бир қатор масала ва муаммолар ижобий ҳал қилинди.

Масалан, халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Аъзамжон Жўраевнинг туман газ таъминоти корхонасига йўллаган сўровида уч мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Ёрилган маҳалласида суюлтирилган газ баллон алмаштириш шахобчаси ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш қайд этилган эди. Мазкур сўров юзасидан туман газ корхонаси раҳбари Отабек Убаев ёзма жавоб қайтарди. Унда маълум қилинишича, "Ўзтрансгаз" акционерлик компанияси тасдиқлаган йўриқномага асосан ҳар бир газ баллон алмаштириш шахобчасининг оралиғи 20 километрни ташкил этиши керак. Айни пайтда 2 дона "Исузу" русумли юк автомашинаси маҳалла аҳлига суюлтирилган газ баллонларини етказиб бермоқда. Депутат сўровидан сўнг "Ёрилган" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 50 та хонадон суюлтирилган газ баллони билан таъминланди.

Халқ депутатлари Чуст туман Кенгашининг саноат, транспорт, қурилиш, коммунал ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раиси ўринбосари, депутат Жасур Йўлдошев фуқаролардан келган мурожаатлар ҳамда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган одамларнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг фаровонлигини ошириш, ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш вазифасидан келиб чиқиб, туман автомобиль йўлларидан фойдаланиш корхонаси раҳбарига қайта-қайта сўров йўллаган ва бу эътиборсиз қолдирилганди. Унда Ҳисорак қишлоғидаги Дўстлик ва Резаксой маҳаллаларининг ички йўлларига асфальт ётқизиш ёки таъмирлаш кераклиги айтилган эди. Газетада мақола эълон қилинганидан сўнг мазкур сўровга туман автомобиль йўлларидан фойдаланиш корхонаси раҳбаридан келган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

"Чуст – Янгиер: 7 километр автомобиль йўлида ҳақиқатан ҳам автомобиль оралиқ таъмирлаш муддатлари бир неча маротаба ўтиб кетган, бунинг натижасида йиллар давомида куз-қиш мавсумида ёғин-сочинликлар сабабли автомобиллар ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун бир қатор ноқулайликлар юзага келди. Мазкур йўллар таъмирлаш дастурига киритилган бўлиб, 2018 йилнинг II чорагида бажарилиши маълум қилинади".

Халқ депутатлари Поп туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Ҳошияхон Турғуновани нинг 2017 йил 2 февралда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига юборган сўрови бўйича ҳам танқидий мақоладан кейин амалий ишларга киришилди. Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари имзоси билан юборилган жавобда қайд этилишича, "Қўштепа" МФЙда 445 та хонадон ва 1 минг 701 нафар аҳоли истиқомат қилиши боис бу ҳудудда қишлоқ врачлик пункти ташкил этиш кўзда тутилмаган. Бироқ туман тиббиёт бирлашмаси Қўштепа маҳалласи аҳлига тиббий хизмат кўрсатишни Найман қишлоғидаги 22-оилавий поликлиникасига ўтказиш чораларини кўради...

Дарҳақиқат, ҳам депутат, ҳам "Қўштепа" МФЙ раиси Ҳошияхон Турғуновани нинг куюнганича бор. Боиси, қўштепаликлар тиббий кўрик учун 17 километр узоқликда жойлашган "Кенегас" қишлоқ врачлик пунктига иккита транспорт алмашиб боришларига тўғри келади. Наймандаги поликлиника эса уларнинг узоғини бирмунча яқин қилади. Қолаверса, мазкур маҳалла ҳудудида арзон дори-дармон воситаларини етказиб беришга мўлжалланган дорихона ташкил этишга эҳтиёж катта. Бу борада вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Солижон Жалилов амалий ёрдам беришга тайёр эканини билдирди. Шунингдек, "Дори-дармон" акциядорлик жамияти Наманган вилояти бўлими билан ҳамкорликда Қўштепа маҳалласида кўчма дорихоналар ташкил этиш бўйича ҳам иш олиб борилиши маълум қилинди.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутати Сардор Раҳимовнинг 2017 йил 23 февралда Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Намтрансавто" департаменти бошлиғига жўнатган сўровида ҳам долзарб масала кўтирилганди. Яъни, Наманган шаҳрида ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган ҳайдовчиларнинг ҳаракатланишига чек қўйиш, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, умуман, йўловчи ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари ўз ифодасини топган эди. Гарчи депутат сўровига жавоб қайтарилмаган бўлса-да, бу масала халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2017 йил 18 мартда ўтказилган сессиясида атрофлича муҳокама қилинган. Унда "Намтрансавто" департаменти бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳисоботи эшитилди. Бу бўйича маҳаллий Кенгаш қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларга асосан Наманган шаҳрига туманлардан қатновчи жамоат транспортлари бош бекатларининг (автостанция) жойлашуви Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори талабларига мос танланмаганлиги, йўловчиларнинг норозилигини келтириб чиқараётганлиги эътиборга олиниб, бешта бош бекат жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Аҳоли ва транспорт қатнови гавжум "Чорсу" ҳудудидаги йўл ўтказгич кўприкни таъмирлаш ишлари олиб борилди. Кўприк атрофидаги йўлларда машиналарнинг лойиҳа ҳолатига мувофиқ ҳаракатланиш тартиби қайта жорий этилди. Навоий-Самарқанд, Навоий-Қўқон, Беруний соҳили, Қодир Мамарасулов-Ҳамроқ кўчалари кесишмаларида йўлнинг қатнов қисми ўртасига қурилган бетон тўсиқлар ва темир панжаралар олиниб, автомобиль йўлларининг шу қисмларида транспортларнинг аввалги, лойиҳавий ҳаракатланиш тартиби жорий қилинди. Шунингдек, сессия қарорида вилоят ҳокимининг 2017 йил 16 мартдаги 98-сонли қарорига асосан шаҳар ҳудудида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида Алишер Навоий, Амир Темур ва Бобораҳим Машраб номидаги марказий кўчаларда ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланаётган "Дамас" русумли автомобилларнинг эрталаб 07:00 дан кеч соат 20:00 гача ҳаракатланишини тақиқлаш масаласини ҳал этиш вазифаси белгиланган эди. Лекин шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Кенгаши депутатлари, "Намтрансавто" департаменти, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси вакилларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан тушунтириш ишлари, қўшма рейдлар ўтказилаётганига қарамасдан ноқонуний равишда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган "Дамас" ҳайдовчиларининг ҳаракати тўлиқ бартараф этилгани йўқ. Бу борада мутасадди идоралар масъулиятини янада ошириш ва биргаликда олиб бориладиган чора-тадбирлар мунтазамлилигини тўлиқ таъминлаш талаб этилади.

Қайд этиш лозим, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб ҳаётий масалаларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Бироқ халқ вакилларининг одамлар муаммоларига ечим топиш мақсадида юборган сўровларига айрим мутасаддиларнинг бепарво муносабати ҳамон давом этмоқда. Аслида депутат кўтараётган муаммо тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари масъуллигидаги соҳа ёхуд вазифага бевосита дахлдор. Уларнинг ечимидан депутат эмас, энг аввало масъул раҳбарлар манфаатдор бўлиши керак-ку?!

Айтиш жоиз, депутатлик сўровида кўтарилаётган ҳар бир масала ортида, энг аввало, инсон тақдири, унинг манфаатлари туради. Шундай экан, уларга қандай қилиб беписанд ва масъулиятсиз ёндашиш мумкин? Президентимиз таъкидлаганидек, депутатга беписандлик — халққа беписандлик, деб баҳоланиши шарт. Халқни ҳурмат қилмаган, депутатлик ваколатини амалга оширишга тўсқинлик қилган ҳар қандай мансабдор шахс қонун олдида жавобгардир.

Бир сўз билан айтганда, адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад ҳам тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқни ҳаётдан рози қилишдан иборат.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Партия қаноти фаолиятидан

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ГУРУҲИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислоҳотларда ёшларнинг иштирокини таъминлаш ва янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда фаол иштирокини таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратиб келади.



Яқинда ЎзМТДП дастурий вазифалари ҳамда 2018 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошида ҳуқуқий тарғибот гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаол ёшларни жамоатчилик асосида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларига бириктириш орқали келгусида партияга захира кадр, депутатликка номзод сифатида тайёрлашга хизмат қилади. Ёшларнинг жойларда қонунларни тарғиб этишга доир ижтимоий-сиёсий ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

— Партиямиз ташаббуси билан олий таълим муассасалари қошида ташкил этилаётган ҳуқуқий тарғибот гуруҳлари давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларда ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасини ўстиришга кўмаклашади, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Ҳамдам Ниёзов. — Мазкур гуруҳларга ёш ўқитувчи, профессорлар, фаол талабалар жалб этилади. Улар иштирокида ёшлар сиёсатига доир қонун лойиҳалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокама қилинади, янги авлоднинг бу борадаги нуқтаи назари, таклиф-мулоҳазалари олинади. Ёшларнинг ҳаёти, талаб ва эҳтиёжларига оид муаммолари ўрганилади ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрланади. Шунингдек, навқирон авлод вакилларига, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган қатламига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш, йигит-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиб беришни мақсад қилганмиз. Депутатлар билан ёшларнинг жонли мулоқотини йўлга қўйиш орқали эса уларнинг сиёсий тафаккурини ошириш, баҳс маданиятини шакллантиришга ҳисса қўшиш мумкин. Айни пайтда пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида дастлабки ҳуқуқий тарғибот гуруҳи тузилиб, унга таълим масканининг бир гуруҳ фаол, ташаббускор йигит-қизлари жалб этилди. Келгусида ҳар бир ҳудуддаги олий таълим муассасалари қошида ана шундай гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиб, улар орқали ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, навқирон авлодда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга кўмаклашиш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, партиянинг ушбу ташаббуси ёшлар фаоллигини, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳа доирасидаги ишларни тизимли ташкил этиш режалаштирилаётгани эътиборга молик. Хусусан, жойларда шакллантирилган гуруҳ аъзолари иштирокида "Ёш лидерлар" форуми ташкил қилиниши, ушбу форум ёзги оромгоҳ шаклида сиёсий ўқувлар асосида ўтказилиши, гуруҳларнинг йил давомидаги амалий ишлари эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзМДТП фракцияси аъзолари иштирокида тақдимотлар воситасида сарҳисоб қилиниши ёшларнинг кенг кўламли ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини, фоллигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

Давлат дастури — амалда

ЎзМТДП ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА

БЕШ МИНГДАН ОРТИҚ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Юртимиз нодир обидалар, беқиёс осори-атиқаларга бой замин сифатида қадимдан сайёҳлар эътиборини тортиб келган. Бугун мамлакатимизда етти ярим мингга яқин моддий маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг 4 мингдан ортиғи археологик объектлар бўлса, 2 мингдан ортиғи архитектура бинолари ҳисобланади.



Етти юзга яқини маҳобатли санъат асари, тўрт юзга яқини эса диққатга сазовор жойлар сифатида давлат муҳофазасига олинган. Уларни асраб-авайлаш, тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш, келажак авлодга етказиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Шу йилнинг 16 январида давлатимиз раҳбари қабул қилган "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармойиш бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2017 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг тарихий марказларига "Алоҳида муҳофаза этиладиган тарихий-маданий ҳудуд" мақоми берилди.

Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция, Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциянинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилингани маданий мерос соҳасидаги миллий қонунчилик халқаро ҳужжатлар билан уйғун ва мос эканлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан маданий мерос объектларининг ҳолатини яхшилаш ва сайёҳларни жалб этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

"2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадрияти бўлмиш маданий ва археология мероси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш хусусида аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлиги доирасида Хивадаги Ичан қалъа обидаси, Амир Тўра мадрасаси ҳамда Муҳаммад Амин мадрасасини реставрация қилиш ҳақида келишувга эришилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, Туркия — Ўзбекистон ҳамкорлиги доирасида Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги томонидан Бухородаги "Мағоки Аттор" масжиди реставрация қилиниши режалаштирилмоқда.

Хатлов натижаларига асосан моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари сони ва уларнинг мулк ҳуқуқи 2018 йил апрель ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича жами 7 минг 638 тани ташкил этиб, ундан янги аниқланганлар, йўқотилганлар (объектни нобуд қилиш, бузиш ёки жиддий зарар етказиш), туризм мақсадида фойдаланилган, давлат мулки ва хусусий мулк ҳисобланган ҳамда муҳофаза белгиси ўрнатилган объектлар аниқ рақамларда таҳлил этилди. Олимлар, экспертлар ва малакали мутахассислар иштирокида ҳар бир моддий маданий мерос объектининг амалдаги техник ҳолатини, шу жумладан, уларнинг алоҳида муҳим тарихий-маданий қисмлари ва бадиий безаклари сақланишини давлат экспертизасидан ўтказиш, объектларнинг зилзилабардошлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш олдимизда турган долзарб вазифа саналади.

Яна бир масала: маданий мерос объектларининг аксарият қисми ҳақида тарихий-илмий маълумотлар мавжуд бўлиб, айрим маданий ёдгорликлар ҳақида оғиздан-оғизга кўчиб ўтган ривоят ёхуд афсоналардан бошқа ҳеч нарса сақланмаган. Шу боис айрим обидаларни таништиришда фақат афсона ва ривоятлар билан чекланиб қолинмоқда. Бундай маданий мерос объектлари илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда мана шундай маданий мерос объектларининг маълумотлар базаси яратилмоқда. Уларнинг базасида илмий тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган барча тарихий, илмий маълумотлар жой олиши кўзда тутилган. Илмий-тадқиқот иши республикамизнинг барча ҳудудида олиб борилаяпти. Тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар республикамиз ва хориждаги илмий-оммавий ахборот воситаларига мунтазам тақдим этилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида маданий мерос обектларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, тарихини ўрганиш, келажак авлодга бус-бутун ҳолича етказишга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, партия тизимида маданий мерос объектларини муҳофаза этиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан қатор ўрганишлар амалга оширилмоқда.

Партия билан Маданият вазирлиги ўртасида Меморандуми имзоланиб, ҳамкорликдаги чора-тадбирлар белгилаб олинган. Партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари жойлардаги обидаларнинг ҳолатини ўрганиб, муайян таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга оид ташаббус-масалалар ўнлаб Кенгаш сессияларида муҳокама қилинди.

Бугунга қадар ЎзМТДП вакиллари иштирокида жойлардаги 5 мингдан ортиқ маданий мерос объектининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, уларни қўриқлаш ва асраб-авайлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига таклифлар киритилди.

Бугунга қадар ЎзМТДП вакиллари иштирокида жойлардаги 5 мингдан ортиқ маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, уларни қўриқлаш ва асраб-авайлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига таклифлар киритилди.

— Маданий мерос объектларини сақлаш, кейинги авлодларга тўлалигича етказиш ҳар бир мутасадди олдида турган муҳим вазифадир, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Ўрол Ҳаитов. — Шу боис фракциямиз аъзолари ҳар йили Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда унинг ижросини муҳокама қилиш чоғида партия дастурий вазифаларига мос равишда маданий мерос объектларини сақлаш, инвентаризациядан ўтказиш, давлат рўйхатига олиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари ҳамда туризм соҳасига йўналтирилаётган бюджет маблағларига алоҳида эътибор қаратадилар. Масалан, маданий мерос объектлари учун аввалги йилларда 23,5 миллиард сўмгача маблағ ажратилган бўлса, 2018 йилда фракция таклифи билан ушбу сумма 29 миллиард сўмни ташкил қилмоқда. Фракция аъзолари ҳудудлардаги фаолияти давомида жойлардаги маданий мерос объектларининг ҳолатини ўрганиб, уларни асраб-авайлаш, давлат рўйхатига олиш, муҳофаза белгиларини ўрнатиш борасидаги амалий ишларга кўмаклашмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар, партия дастурий вазифалари ҳамда соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросига хизмат қилади. Зеро, кўҳна тариҳдан хабар бериб, бугунги кун нафасини ўз бағрида жо этган халқимизнинг умуммиллий бойлиги бўлмиш маданий мерос намуналарини келажак авлод учун асраш, уларга тўлалигича етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳуқуқий маданият — муҳим омил

Коррупция бугун дунё миқёсида глобал муаммога айланиб улгурди. У тараққиёт кушандаси, жамият ривожи йўлидаги улкан тўсиқ саналади. Давлат ва жамиятни ичдан емиради, фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини йўқотади.

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

УНГА ҚАРШИ КУРАШИШДА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК, ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ИШТИРОКИ ЗАРУР БЎЛАДИ

Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишда бир қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айниқса, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг очиқ-ойдинлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ҳамда 2017 йил 2 февралда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, унинг ҳар қандай кўринишларига барҳам беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунга 2017 йилда тасдиқланган "Коррупцияга қарши курашиш Истанбул ҳаракатлар режаси"нинг учинчи раунди доирасида режалаштирилган ва йил давомида амалга оширилган тадбирларни мисол сифатида келтириш мумкин.

— Мамлакатимизда коррупцияга қарши олиб борилаётган тадбирлар уни жамиятимиздан буткул йўқотиш, ҳар қандай кўринишларига барҳам беришга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова. — "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг жойлардаги ташкилотларида ҳам "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун, Президент қарори ва Истанбул ҳаракатлар режасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг натижаси ўлароқ ўтган давр мобайнида партия тизимида фаолият олиб бориб, одобахлоқ кодексига амал қилмаган, ўзининг коррупцион хатти-ҳаракати билан партия нуфузига путур етказишга уринган айрим раҳбар-ходимларга нисбатан жазо чоралари кўрилди. ЎзМТДП сафларида бундай кимсаларга жой бўлмаслиги керак. Қаерда шаффофлик, адолатлилик ва очиқ-ойдинлик қарор топса, ўша ерда ривожланиш, олдинга интилиш, ўзгариш бўлади. Коррупция эса айнан ана шундай ҳолатларга тўсиқ бўлувчи чиркин жиноят саналади.

Дарҳақиқат, коррупцияга қарши курашишда кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг иштироки зарур бўлади. Шу боис ЎзМТДП ташкилотлари бу борада қатор тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи чорагида ЎзМТДП Марказий кенгашида "Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш чораларини самарали таъминлаш" мавзусида семинар ташкил этилганди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони, Қорақалпоғистон



Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари иштирокида жамиятда коррупцияга йўл берилаётган ҳолатлар ва унга қарши курашиш чоралари таҳлил қилинди, ўткир фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундан ташқари, яқинда ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Миробод туман кенгашлари ташаббуси билан Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида "Коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликнинг ўрни" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар академияси профессор-ўқитувчилари, халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва аэропорт вакиллари мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, фуқароларнинг инсон ўзидан бошлаши лозимлигини таъкидладилар.

БМТ коррупцияга қарши курашиш бўйича ўндан ортиқ халқаро ҳужжат қабул қилган. Уларнинг ҳар бирида коррупция, порахўрлик, таниш-билишчиликка қарши курашиш тамойиллари аниқ кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш конвенциясига расман қўшилган. Юртимизда, айниқса, сўнгги йилларда бу иллатга қарши курашишда жамоатчилик назорати ўрнатилди, Давлат дастури ишлаб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 5 боб, 34 моддадан иборат "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунининг ижросини самарали таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида 2017-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури амал қилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилган. Улар иштирокида аҳоли орасида бу иллатга қарши кенг тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Барча ҳокимликлар, бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижросини таъминлашда фаол иштирок этаётир. Пировардида, халқимиз дунёқараши ўзгармоқда. Бу борадаги чора-тадбирларда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаоллиги ошиб бормоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлар коррупцияга қарши кураш борасидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,
"Milliy tiklanish"мухбири

Фаол депутат

ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ

ҲАР БИР ДЕПУТАТНИНГ КУНДАЛИК ЮМУШИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Депутат — таъбир жоиз бўлса, халқ хизматчиси. Бироқ орамизда ҳали ҳам ушбу номга номуносиб, ўз ваколатини тўлиқ англаб етмаган депутатлар йўқ эмас. Аммо, гап бугун улар тўғрисида эмас, аксинча, халқ дардини ўз дарди деб билиб, аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланаётган, бир сўз билан айтганда, халқ вакили деган номга муносиб бўлган инсон ҳақида.

...Қўлимга қалам олишдан аввал узоқ ўйладим. Чунки биз сўз юритмоқчи бўлган инсон ўта самимий ва камтар, нима қилса ўзгаларга кўз-кўзлаш учун эмас, аксинча, кундалик юмуши, нари борса бурчи ва вазифаси, деб билади.

Саҳоб Мусаев халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашига депутат сифатида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 15-Сўғдиёна сайлов округидан сайланган. У сайланганининг дастлабки кунлариданоқ сайловолди ваъдаларини бажаришга киришди: Жиззах шаҳри "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Иттифоқ ва Баркамол авлод кўчаларидан 17-умумтаълим мактабига ўтадиган Саройтепа кўчасида пиёдалар ўтиш йўлагини белгилаш бўйича Жиззах вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Аҳолининг мурожаатлари юзасидан Жиззах шаҳар ҳокимлиги, шаҳар электр тармоқлари, "Жиззахшаҳаргаз" корхонаси, ободонлаштириш бошқармаси, "Сувоқава" давлат унитар корхонасига депутатлик сўровлари юбориб, анчадан буён ечимини кутаётган муаммоларни бартараф этишга киришди.

Инсонлар манфаатлари йўлида хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилган халқ вакили ҳам айни пайтда кўплаб хайрли ишларни амалга оширар экан бундай саъй-ҳаракатлар кексалар дуосида, ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончида ва жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг бугунги кунидан розилик қувончларида ўз аксини топмоқда.

Жиззах шаҳар "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Барно Кўрчиеванинг жисмоний имконияти чекланган уч нафар қизи бор. Оила иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган. Депутат Саҳоб Мусаев мазкур хонадон эгасига бир бош қора мол олиб берди. Оиланинг жисмоний имконияти чекланган фарзандларини "Карина-Каю" хусусий тиббий диагностика марказида мунтазам даволаниши учун кўмак бериб келмоқда. Шу билан бирга, қизларнинг бандлигини таъминлаш ва доимий иш билан машғул бўлишлари учун тикув машиналари олишига бош-қош бўлди.

Яқинда депутат кўмаги билан "Карина-Каю" хусусий тиббий диагностика марказида 80 дан ортиқ фуқаро учун бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Шунингдек, Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун керакли дори-дармон воситалари етказиб берилди.

Депутат ташаббуси билан 2018 йил январь ойида ташкил этилган тиббий кўрикда аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари ҳомийлик ёрдамида ўн уч миллион сўмлик дори-дармон билан таъминланди.

Халқ вакили Саҳоб Мусаев партиянинг "Уйма-уй" лойиҳасида ҳам фаол иштирок этмоқда. Жиззах шаҳар Дўстлик маҳалласи Саройқўрғон кўчаси 2-уйда истиқомат қилиб келаётган ёш оила вакиллари — Шаҳобиддин Ҳақназаров ва Нилуфар Ҳақназарова ишсизликдан қийналиб келаётган эди. Депутат ташаббуси билан оила соҳиби "Карина-Каю" хусусий тиббий диагностика марказига ишга қабул қилинди. Шу билан бирга, мазкур оилага тегишли тартибда моддий ёрдам ажратилишига ҳам кўмаклашилди.

"Фойдаланилган электр энергияси ҳамда табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширинг!". Бу сўзлар барчамиз учун жуда яхши таниш ва бунга амал қилиб келамиз. Дўстлик маҳалласида яшовчи Мелибуви Искандарова моддий етишмовчиликлар сабаб бўлиб коммунал тўловлардан анчагина қарзга "ботган". Бу ҳолатдан "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида бохабар бўлган депутат кўмаги билан фуқарога мавжуд қарздорлигини тўлаш мақсадида тегишли тартибда моддий ёрдам берилди...

Депутат томонидан амалга оширилган бундай амалий ишларнинг саноғига етиш қийин. Саҳоб Мусаевнинг феълини яхши билганим учун шу ерга келганда ёзишдан тўхтадим. Бу маълумотларнинг ҳам унинг ўзидан эмас, партия ташкилотидаги масъул шахслардан олдим...

Улуғбек МУСТАФОЕВ,
ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши
етакчи мутахассиси

Хиёбон

"ЖУРНАЛИСТ МУСТАҚИЛ ФИКРЛИ, ХОЛИС ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛ БЎЛИШИ ЗАРУР"



Холислик, очиқлик ва тезкорлик журналистиканинг асосий мезонларидир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари жамият ва демократиянинг кўзгуси сифатида ислоҳотларда фаол иштирок этишга, ҳар бир соҳада кечаётган ўзгариш ва янгиланишлар фонида давр билан ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Аммо бу бугунги шиддатли замон учун етарлими? Миллий матбуот қанчалик жамият юзи бўла оляпти?

"Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, таниқли ёзувчи **Фармон ТОШЕВ** билан "Хиёбон"да шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда адабиёт, маданият соҳалари каби миллий медиа соҳани замон талабларига монанд равнақ топтиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Хусусан, яқинда "Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди. Бу, албатта, миллий журналистикамиз ривожи, унинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеи, шунингдек, бугунги замон ахборот маконида мамлакатимизнинг ҳам ўз муносиб ўрни бўлишига ижобий таъсир ўтказади. Аввал шу ҳақда фикрлашсак...

— Ушбу масала ҳозирги жамият учун пишиб етилгани ҳақида тажрибали ҳамкасбларим, олимлар етарли даражада хулоса берганлиги учун уларни такрорламасдан ўз тажрибамдан келиб чиқиб фикр билдирмоқчиман. Тўғри, қарор ўз вақтида чиқди ва янги университет зиммасига кўп масъулиятли вазифалар юкланди. Бемалол айтиш мумкинки, мазкур олийгоҳда муносиб кадрлар иш бошлайди. Бу эзгу иш самарасини икки-уч йилда кўришимизга ишонаман.

Аммо журналистика фақат булар билан ўзгариб қоладиган соҳа эмас. Чунки ҳар қандай иқтидорли журналистни ҳам аввало жамият "ҳазм қила олиши" зарур.

Агар эътибор берган бўлсангиз, Президент ишни аввало шундан бошлади. Яъни, одамларнинг оддий ҳаётий энг ёлкин, катта-кичик муаммоларидан вақтида хабардор бўлиш, шу хабардорлик билан яшаш, бунинг учун одамларга яқинлашиш, улар билан бирга нафас олиш, муаммоларнинг мақбул ечимини топиш — халқ ичига кириб бориш, аҳоли билан жонли мулоқот ўрнатиш ва, умуман, ўз фаолияти билан бизга ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатди. "Раҳбарман" деганига оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисоб бериш тизимини яратди. Дўстлик клублари, матбуот конференциялари, брифинг, тўғридан-тўғри мулоқотлар жамиятнинг ОАВга муносабатини, ҳарқалай, ўзгартиряпти. Чунки ғоя билан амалиёт уйғун ҳолда татбиқ этилиши зарур.

Бир мисол: ўзбек адабий тили нуфузини ошириш, уни тадқиқ этиш кўламини кенгайтириш мақсадида махсус университет ташкил этилди, тўғри, ҳозир олийгоҳда катта ҳажмда иш олиб бориляпти. Аммо расмий йиғилишларда ҳали давлат тили устуворлиги сезилгани йўқ. Телевидение, радиода, ҳатто илмий анжуманларда маълум бир ҳудудга хос шевада гапириш кўпайса кўпайдики, асло камайган эмас. Чунки расмий давра ёки телевидение орқали айтайлик, ҳатто таниқли олимларнинг ҳам шевада гапиришини университет тақиқлай олмайди. Демак, бу борада қилинадиган ишлар ҳали анчагина.

Адабий тилнинг нуфузини намойиш қиладиган куч — бадиий адабиёт, журналистика, унинг манбаси — вақтли нашрлар, йиғинлар, телевидение ва радио. Шунинг учун биз уларнинг ҳам тилга муносабатини ўзгартиришимиз зарур.

— Бундан бир мунча вақт муқаддам кечган суҳбатингизда "ишхонамизга йигирмага яқин газета келади, лекин уларни ўқиш учун унча кўп вақт сарфламайман", деган эдингиз. Ҳозир ҳам шундайми?

— Бу масалада ҳамкасбларимни айблашдан йироқман. Масалан, бешта газетанинг барчаси бир хил материални бергач, биттасини ўқий қоламан. (Лекин қизиқарли мақолаларни қолдирмай ўқиш одатим бор. Кейин муаллифига ёки таҳририятга, албатта, қўнғироқ қилиб муносабат билдираман). Ана шу ҳолат ислоҳга муҳтож. Тўғри, айрим телерадиоканаллар, веб-сайтлар сиёсий материалларни ҳам услубий ёндошган ҳолда узатишга интиляпти. Аммо афсуски, босма нашрлар бунга журъат қилаолгани йўқ. (Эҳтимол, шу мавзуда семинар ташкил қилиб, бир қарорга келиш керакдир?!) Ёмон томони, бундай ҳолат кенг жамоатчиликда матбуотга муносабатни ўзгартиришга тўсиқ бўлаётгани ҳам бор гап.

Нашрларни бундай "тез ўқиш"нинг яна бир сабаби — марказий газеталар аксарият ҳолларда бир хил ёки ўхшаш ахборотлар билан чекланади. Ҳолбуки, айнан ушбу ахборотни бир ёки икки кун аввал телевизорда кўрган бўламиз. Мабодо, ўша воқеа газеталар йўналишидан келиб чиққан ҳолда батафсил ёритилса (таҳлил қилинса!), барча бирдай эътибор қаратмаган жиҳатлари тилга олинса, бу бошқа гап...

— Оммавий ахборот воситаларининг чинакамига миллий ғоямизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши учун нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?

— Яхши савол. Назаримда, сиз бевосита таҳририятлар ва журналистларнинг ҳозирги вазифаси ҳақида сўраяпсиз? Бу борада эътироз мўл, дард оғир...

Эътибор берганмисиз, бугун муқим ижодий жамоага эга бўлмаган газеталар кўп ўқилаяпти. (Мен бу ерда идоравий газеталарни назарда тутмаяпман. Чунки улар ўз қобиғидан чиқа олмаяпти). Хўш, нега? Бу ҳолни бизда қайси олим таҳлил қилган?

Шу ўринда муқим ижодий жамоага эга бўлмаган нашрлар нега кўп ўқилаётгани борасида мухтасар мулоҳаза қилиб кўрайлик. Менинг назаримда, чет муаллифлар газетага айтиш мумкинки "тоза нафас" келтиради. Аниқроғи, одамларни (аввало, ўзларини) қизиқтирган ёки безовта қилаётган ҳолатни ёзади. Тўғри-да, "фалон вилоятда фалон мавзуда йиғилиш бўлди", деган ахборот бериб туриши учун мухбир ушлаб туришдан кимга наф?..

Бизнинг жамоада беш йилдан буён бир тажриба қўлланилади. Яъни тажрибали ходимларимиз шаҳар ва туман газеталарига ҳамкор қилиб бириктирилган. Бу сафга айрим нодавлат газеталари ходимларини ҳам қўшдик. Улар тумандаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда ишлаб, ўзаро тажриба алмашиб туради, мақола ҳам тайёрлаб беради. Ўзимга келсак, мен "Пайариқ ҳаёти" билан ишлайман, уларга ўз имзом билан мақола бериб тураман.

Бундай маънавий ва амалий ёрдам туфайли "Пастдарғом ҳақиқати", "Жомбой тонги", "Истиқбол сари", "Ургут садоси" газеталарида ҳавас қилса арзигулик ижодий муҳит яратилди. Давлат ва ҳудудий дастурлар моҳияти ҳамда ижросини ёритиш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқдик. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати билан ҳамкорликда ҳар чоракда битта газета фаолиятини таҳлил ва муҳокама қиламиз. Вилоят ҳокими белгилаб берган жадвал асосида давлат ташкилотлари раҳбарлари ҳар ҳафта уюштираётган матбуот конференциялари ҳам журналистларга ўз вазифаларини аниқлаб олишда ёрдам беряпти.

— Самарқанд матбуоти республикада ўз ўрни ва мавқеига эга. Айтинг-чи, вилоят нашрлари ўқувчисини кўпайтириш, одамларнинг газета ўқишга бўлган қизиқишини ошириш учун нима қилмоқ керак?

— Бу борада нима қилиш кераклигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин... Яшириб нима қиламиз, бизнинг касбда бир-бирини, тажрибани тан олиш оғир кечади. Бунинг устига етакчи, кайвони журналистлар кўпчиликка ёмон кўринишдан ўзини четга олади ёки эҳтиёткорлик қилади.

Бизда қоида шундай: "Таҳририятга келган бирорта хат эътиборсиз қолмайди". Ҳар ой якунида ойнинг энг фаол жамоатчи мухбири ва энг яхши мақола номини эълон қилиб борамиз. Энг кўп хат ишлаган ходим мукофотга сазовор бўлади. Аксинча, хат-хабарни кечроқ ишлаб туширса чораклик мукофотдан қуруқ қолади.

Яна бир тажриба ўзини оқлаяпти. Ҳозир катта, узундан-узун мақолалар, назарий материаллар ўқилмайди ҳисоб. Шу боис ихчам материалларга кўпроқ эътибор қаратяпмиз. Гап "Кун ҳикмати", "Виждоннинг бугунги сўроғи", "Қулоққа чалинган гап", "Ким қилади-я, шугинани-я?" каби рукнлар ҳақида боряпти. Ҳар чорак давомида газетхонлар таклифи ва саволлари асосида ҳар бир ходим учун "Мулоҳаза учун мавзу" рукнида ёзиладиган мавзуни белгилаб оламиз.

Бундан ташқари, мустақил нашр сифатида рўйхатдан ўтган веб-сайтимизда мақолаларга билдирилаётган муносабатларни бериб борамиз. Бошқача айтганда, ўқувчини кўпайтириш учун аввало, муаллифларни кўпайтириш чораларини кўряпмиз...

— Шу ўринда танқидий ва таҳлилий мақолаларга тўхталиб ўтсак. Бундай материаллар кўпчилик нашрларда урфга киргандай. Сизларда бу масалага қандай қаралади?

— Газета — халқ минбари, оммага ахборот тарқатиш воситаси. Демак, унда аввало, одамлар ўз фикрини билдириши ёки халққа манзур гаплар айтилиши лозим. Газетанинг яна бир вазифаси одамларда ўз тақдирини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш ҳамда хулоса чиқариш (сабоқ олиш) кўникмасини шакллантиришдир.

Биз танқидий-таҳлилий мақола ёзишда ана шу вазифалардан келиб чиқамиз. Манба эса аниқ: муштарийлардан келаётган мактублар ва ҳудудий дастурлар ижросидаги ҳолатлар.

Жорий йилнинг иккинчи чорагида "Мулоҳаза учун мавзу" рукнида берилган мақолаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

"Режали ишлашни қачон ўрганамиз?" сарлавҳали мақолада оддий фуқародан бошлаб раҳбаргача кунлик, ҳафталик ёки ойлик режаси бўлиши лозимлиги, режасиз ишлаётган ходим фаолиятидаги камчиликлар ҳақида мулоҳаза билдирилди.

"Боқимандалик йўқолади-ми?" номли мақолада эса бугунги кунда "Обод қишлоқ" дастури асосида ёки маҳаллий ҳокимлик, ҳомийлар ёрдамида уй-жойи таъмирланаётган, турмуш тарзи ўзгараётган айрим кишиларнинг боқимандалик кайфиятига берилаётгани қаламга олинди. Бу мақола ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортганлигини таҳририятга келган хатлар, телефон қўнғироқлари яққол кўрсатди.

"Дастурни бажариш бурчимиз. Бу иш билан мақтаниш — миннат" сарлавҳали мақолада эса ёш ходимларимиздан бири бугунги кунда айрим корхона ва ташкилот, идоралар томонидан кам таъминланган, эҳтиёжманд кишилар, ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган ёрдамни миннат қилгандек оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга интилинаётгани жамоатчиликнинг фикри асосида ёритилди.

"Қоғозбозликни йўқ кўргани кўзим..." мақоласида ўқитувчилар мурожаати асосида таълим масканларида синф журнали, навбатчилар дафтари каби ўнга яқин дафтар юритилиши, улар ўқитувчиларнинг шахсий маблағи ҳисобидан сотиб олинаётгани таҳлил этилиб, бу ҳолатга мутасадди идора раҳбарларининг муносабати ўрганилди.

"Ногирон болалар ҳамон туғилмоқда. Нега?" сарлавҳали мақолада тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самараси юзасидан мулоҳаза билдирилди. Жойларда мунтазам равишда тиббий кўриклар ўтказилаётган, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган бўлса-да, ногиронлик билан туғилиш давом этаётганининг сабаб ва оқибатлари таҳлил этилди.

Бу каби мисолларни яна кўп келтириш мумкин.

— Бу мавзуларни таҳририят ижодий ходимлари ёритадими?

— Йўқ, жамоатчилар ҳам. Масалан, Нуриддин Бобоқандов, Хуршид Нуруллаев имзоси билан ҳам кўп мақолалар бердик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Худойберди Комилов эса газетхон таклифига кўра халқаро мавзуда шарҳлар ёзиб туради.

— Таҳлилий-танқидий мақолалар асосан қайси мавзуларда? Уларда журналист нуқтаи назари бўладими?

— Албатта. Масалан, "Чароғон кўчалар, уни бизга ким ёритиб беради?" сарлавҳали мақолада биноларни безакли ёритиш муаммоси кўтарилган. Муаллиф бу борада нодавлат корхона очиш юзасидан таклиф билдирган. Яъни унда ташкилотлар, ширкатлар йил давомида буюртма бериб, биноларга чиройли, рангли чироқлар ўрнатдириши ҳақида гап боради. Бу иш пул кўчириш йўли билан қилинса, маблағ йиғиш — коррупциянинг олди олинади. Ваҳоланки, ҳокимлик байрам арафасида бир ҳафта шу муаммо билан банд бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Яна бир "луқма"да янги турар жойларда алоқа кабеллари сметага киритилмаётгани танқид қилинган. Муаллиф агар ҳозирда бундай кабеллар хонадонларга монтаж қилинмаса, кейинчалик бу иш анча қимматга тушиши, оптик тола билан келадиган Интернет, антенна ўрнига, томни "тарелка" босиб кетишини исботлаган.

Кейинги пайтда Самарқанд шаҳрида болалар майдончалари, чиқинди тўплаш жойлари, ҳатто спорт майдончалари ўрнида кўпқаватли уйлар қурилиши кўп танқид қилинди. Шундан кейин шаҳар ҳокими матбуот конференциясида "Энди шаҳар ичида бундай объектлар қурилишига рухсат берилмайди", деди. Ва, исбот учун беш-олтита қарорини бекор қилди. Бу ҳам матбуотнинг ютуғи.

Яна бир муаммо борки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Газеталарда иқтисодий таҳлил жуда кам. Ваҳоланки, биз бундай мақолалар орқали одамларда иқтисодий тафаккурни ривожлантиришимиз зарур. Тўғри, биз гоҳида битта оила, битта хонадон, битта ишбилармон мисолида рўзғорни уддалаш, томорқа ёки ҳунардан фойдаланиш бўйича таҳлилий мақолалар беряпмиз. Аммо иқтисодиётда бир-икки йилда кутилажак самара ёхуд пайдо бўладиган тўсиқлар тўғрисида кам ёзаяпмиз. Чунки бундай таҳлил учун анча бош қотириш керак. Эҳтимол, иқтидоримиз етмаётгандир...

— Пойтахтда яшаб ижод қилаётган ёш, аммо иқтидорли журналистлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, гап айланиб "прописка" ёки уй муаммосига тақалади. Бу борада сизда аҳвол қандай?

— Уй-жой муаммоси ҳамма ерда бор. Кейинги икки йилда ходимларимиздан икки киши намунавий лойиҳадаги уйга эга бўлди. Бир ходимимиз ёшлар учун қурилган уйда яшаяпти. Уларга дастлабки тўловда таҳририят ёрдам берди. Умуман, бизда бир йил давомида ходимлар уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун беш миллион сўмгача фоизсиз қарз олиши йўлга қўйилган. Дарвоқе, бу йил арзон уйлардан яна бир ходимимизга квартира ажратилади...

— Ижодкор баъзан битта йўналишда ижод қилиб ҳам маълум бир мавқега эришолмаслиги мумкин. Лекин Фармон Тошевни назмда ёки насрда ҳам, қолаверса, "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Журналистлар ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раиси сифатида доим қизғин фаолиятда — жамоатчилик диққат марказида юрганини кўрамиз...

— Бизда қоида шундай: ижодий ходим доимо иш билан банд бўлиши, ижод ҳақида ўйлаши керак. Бу — муҳаррир зиммасидаги вазифа, яъни буни у амалга оширади. Бинобарин, ходимларни ишдан кейин бадиий асар ёки тақриз ёзишга, қўлёзмаларни таҳлил қилишга ундайман. Марказий газеталарга мақола ёзганларини рағбатлантирамиз. Мақсад — улар маҳоратини ошириш, ижодий ишчанлик кайфиятини ушлаб туриш.

Сирасини айтганда, журналист бўлиб яшаш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Ёки қалами ўткир журналист ҳақида турли даражадаги раҳбарлар ҳам бир-бирига доимо ижобий гап айтавермайди. Тан олиниши учун эса қалам аҳли мустақил фикрга, холисликка, таҳлилга, ижтимоий фаолликка эга бўлиши зарур. Миллий журналистикага тамал тошини қўйган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидризо Ализода Самарқандда ана шу анъанага асос солганлар. Мен ҳам шунга амал қиламан.

Бош муҳаррир ўринбосаридан тортиб, мусаҳҳиҳ, матн терувчигача ҳар ҳафта нимадир янги нарса ёзади. Бу ҳолат менга қувват бағишлайди. Ҳар куни соатлаб йиғилиш қилгандан кўра битта мақола ёзиб ибрат кўрсатишни маъқул кўраман.

Бадиий асар — бу энди бошқа масала. Буни иложи борича ишга аралаштирмасликка интиламан. Бунинг учун вақтни нечоғлик қизғанишингни, ҳузур-ҳаловатдан воз кечишинг кераклигини биласан — шундай ҳаётга кўникдим. Шу боис мақолани қўл учида, эскича услубда ёзадиган ёки муҳаррирликни мансаб, деб биладиган ҳамкасбларим нуқтаи назарини ҳазм қила олмайман...

— Бошқа соҳаларда бундай тадбирлар қандай ўтади, билмайман-у, лекин бизда ҳар бир танловдан сўнг албатта, "миш-миш" кўпаяди...

— Биринчидан, улар (бошқалар) аввал туман ва вилоят миқёсида яхшиларни саралаб олиб, республика босқичига тайёрлайди. Бизда эса ҳар қандай ижодкор истаган танловда тўғридан-тўғри иштирок этиши мумкин.

Иккинчидан, журналистикага оид танловларда минтақавий ёндашув бор, яъни "фалон вилоят қуруқ қолиб кетмасин", деган тушунча. Бундай танлов мусобақадан кўра қўллаб-қувватлаш, яъни мурувват акциясига ўхшаб кетади.

Ўзингиз ўйланг, сиёсий партиялар нашрлари бир-бири билан рақобатлашишга мажбур, аммо тармоқ газеталари ким билан рақобатлашади? Ёки бўлмаса танловда республика нашри билан туман газетасини ёнма-ён қўйиб бўладими?

Бу каби танловларда бир марта ғолиб ёки совриндор бўлиш мумкин, деган қоида борлиги ҳам баҳсталаб. Ахир бу Нобель, Оскар ёки давлат мукофоти эмас-ку?! Энди тасаввур қилинг, 15 йилдан бери қанча нашр ёки журналист бу танловларда совриндор бўлган бўлса, энди унда иштирок этмайди. Бу — навбат дегани.

— Хўш, унда нима қилиш керак? Қандай таклифингиз бор?

— Аввало, "Йилнинг энг фаол журналисти" мукофоти жамоага бериладими ёки муайян қаламкашга, шунга аниқлик киритиш лозим. Кейин эринмасдан, республика, вилоят, туман нашрлари бўйича яхшиларини саралаб олиб, комиссия хулосасини эълон қилиш керак. Телевидение, радио, тармоқ, хусусий нашрлар бўйича ҳам.

Шундан сўнг ғолиб нашр тажрибаси ҳақида ҳеч бўлмаганда буклет тайёрлаш ёки "Ҳуррият"да мақола эълон қилиш ҳам мумкин-ку?! Демоқчиманки, адолатсизлик, у билиб қилинадими, билмасдан қилинадими, барибир ижодий танлов нуфузи ошишига хизмат қилмайди...

— Байрам тилакларингиз...

— Мамлакатимизда жадал ислоҳотлар даври кечмоқда. Унга ҳамоҳанг ишлаш, айниқса, журналистлар олдидаги энг муҳим вазифадир. Журналистни эса ўқитиш, тарбиялаш мумкин, лекин уни яратиб бўлмайди. Чунки бундай инсонлар иқтидордан ташқари фаросат, қаноат билан бирга туғилади. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам халқ дардини айта олади. Ана шундай инсонлар, ҳамкасблар билан бир сафда эканлигим билан фахрланаман. Байрам муборак бўлсин!

"Milliy tiklanish" мухбири
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.

Таклиф ва мулоҳаза

Гиламдўзлик ва кигиз босиш халқ ҳунармандчилигининг қадимий анъаналаридан бири ҳисобланади. Қадимда гилам тўқиш асосан чорвачилик билан шуғулланадиган кўчманчи халқлар орасида кенг тарқалган.

ГИЛАМДЎЗЛИК — СУЯК СУРГАН КЎҲНА КАСБ



Гиламлар тўқилган жойи ёки уни тўқиган халқ, қабиланинг номи билан аталган. Хива гиламлари тарихи анча қадимий бўлиб, ўз услуби ва йўлига эга. Улар ўзининг ўсимликсимон, геометрик нақши, бежиримлиги, табиийлиги ва сифати билан ажралиб туради.

Нақш (арабча сўз бўлиб, тасвир, гул деган маънони англатади) — қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларнинг маълум маънода такрорланишидан ҳосил қилинган безак. Ганчкорлик, зардўзлик, каштадўзлик, гилам тўқиш, тўқимачилик ва кулолчиликда турли нақшлардан фойдаланилади. Ҳар бир чизилган нақшда ўзига хос маъно-мазмун мужассам. Улар нақшланадиган буюмнинг шакли ҳамда қандай мақсадда ишлатилишига қараб танланади ва номланади. Ўзбек гиламларининг ўртасига асосан турунж ёки доира нақши ишланади. Турунж — арабча сўз бўлиб, лимон деган маънони билдиради. Нақшнинг кўриниши лимон шаклида бўлгани учун шундай юритилади. Турунж ҳеч қандай нақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, унинг шакли асрлар давомида ривожланган.

Шунингдек, гириҳ нақшли гиламлар мавжуд бўлиб, унинг энг кўп тарқалган жойи Марказий Осиедир. Гириҳ — форсча чигал, тугун маъносини беради. Ушбу нақшни ишлаган усталар математика фанини жуда яхши билгани исбот талаб қилинмаган. Бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб чизиқлар, ҳар хил бурчакли ва қиррали юлдузлардан ташкил топган геометрик нақшлар гириҳ дейилади.

Мадохил (арабча остона, кириш, эшик) — чапу рост такрорланувчи нақш тури, у композицияда чиқиш нуқтаси (манба, илдизи)дир. Мадохил кўринишидан хилма-хил бўлиб, ғунча, лола, гул, уч барг ва бошқа шакллардан иборат. Наққошлар ана шу шаклларнинг орасига ҳар хил гуллар киритиб, ўзига хос ном қўйганлар.

Гиламларни момоларимиз ўтмишда ер бағирлаб ётиқ ҳолатда ўрнатилган пастак содда дастгоҳларда тўқиган. Кейинчалик тўқув дастгоҳлари анча мукаммаллашиб, тўқувчи аёллар ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийдиган кенг ғалтакли турлари яратилди. Қўлда гилам тўқиш жуда машаққатли иш, яхши мутахассис бир квадрат метр патли гилам тўқиши учун 20-25 кун сарфлаши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай маҳсулот қиммат саналади.

Италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло (XIII аср) Марказий Осиёга саёҳати ҳақида ёзган китобининг 21-бобини Хива гиламларига бағишлаб, шундай ёзади: "Биласизми, бу қадим, кўҳна шаҳарда шундай нозик ва нафис, бежирим ва гўзал гиламлар тўқилар эканки, бундай гиламларни дунёнинг бошқа жойларида учратмадим. Қизил, кўк, жигарранг гиламлар ўзининг чиройи билан эмас, пишиқ-пухта, чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради".

Ўз қадим тарихи ва жозибасига эга Хива гиламдўзлик санъатининг бугунги аҳволи қандай? Унинг анъаналари давом эттириляптими? Бу борада сўз кетганда, "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида жойлашган Ёқуббой Хўжа мадрасасидаги эски услубда ипак гилам тўқиш устахонасини тилга олмай бўлмайди. Ушбу устахона 2002 йилда ЮНЕСКО ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, унга уста-ҳунармандлар авлодидан бўлган Мадраҳим Маткаримов раҳбарлик қилади. Бу ерда ўндан ортиқ хотин-қизлар "устоз-шогирд" анъанасини давом эттирган ҳолда гилам тўқишади. Марказ ходимлари ипак қурти пиллаларидан шу ернинг ўзида ипак толаси олади. Битта ипак қурти ўраган пилладан 1000 метргача тола олиш мумкин экан. Ипак турли ўсимлик, мева-сабзавот пўстлоғи, илдизлар ва ишқорлардан тайёрланган ранглар билан бўялади.

— Ота-боболаримиз Муҳаммад Раҳимхон давридаги қурилишларда, Нуруллабой саройи нақшларини чизишда иштирок этган, — дейди уста-ҳунарманд Мадраҳим Маткаримов. — Жумладан, Рўзмат бобом пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги театр биносини қуришда қатнашган. Мен ҳам аждодларимиз касбини тутдим. Ипакдан тўқилаётган гиламларнинг дизайнини ҳам ўзим чизаман. Гиламчиликнинг XIV-XV асрлардаги "темурий" дизайни қайта тикланди. Уларда асосан қадимий безаклар қатори Хива обидалари, кўҳна эшиклар ва деворлардаги нақшлардан улгу олиб, гиламларда ана шу нақшларни акс эттирамиз. Масалан, Кўҳна Арк, Тош ҳовли, Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги майоликалардан олинган нақшлар туширилган гиламларимиз бор. Гиламчиликдаги бундай услуб, албатта, шаҳримизга ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар эътиборини жалб этмасдан қолмайди. Айниқса, гиламларимиз чет эллик сайёҳларнинг шахсий коллекцияларини бойитиб турганидан хурсандмиз. Гиламларимиздаги ранглар ўзига хос жилоланиб, асрлар оша ўз ҳолатини йўқотмайди. Чунки уларнинг бўёғи табиий — қизил пиёз пўстлоғи, ток, олма, тут барги, анор пўстлоғи, индиго, мазор, қирқ бўғин каби ўсимликлардан тайёрланади.

— Гиламдўзлик осон ҳунар эмас, бунинг учун устадан қунт, сабр-тоқат ва меҳр талаб этилади, — дейди марказнинг тажрибали ҳунармандларидан бири Назокат Бекчонова. — Масалан, 2x1,90 ўлчамли гиламни икки қиз тўрт ойда тўқиб битказади. Ўзимга келсак, момоларимиз ҳунарини эгаллаганимдан ва унинг тарғиботчиси бўлганимдан фахрланаман. Бизнинг маҳсулотларимиз 2006 йилда Америка Қўшма Штатларида ўтказилган уста-ҳунармандларнинг тажриба алмашиш семинари ва бир қатор халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган. Айни пайтда юзга яқин хотин-қизлар шу ерда ушбу ҳунар сирларини ўрганиб, баъзилари мустақил равишда фаолият олиб бормоқда.

Бугун Хивада қўлда гилам тўқиш билан шуғулланадиган тўртта ҳунармандчилик устахонаси фаолият кўрсатмоқда. 1973 йилда асос солинган "Хива гилами" корхонаси бугунга келиб замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган.

Исломхўжа мадрасасида ташкил этилган Хоразм амалий санъат музейи экспозициясида ўндан ортиқ турдаги амалий санъат намуналари ўрин эгаллаган. Улар орасида XIX-XX аср бошларида, XX асрнинг 70-80 йилларида тўқилган гиламлар ҳам бор. Улар билан бизни музей илмий ходими Шаҳло Майлиева таништирди.

— Туя ва қўй жунидан тайёрланган маригул нақшли гилам XIX асрга оид. XX аср бошларида тўқилган тароқгул нақшли гиламнинг гуллари номига мос равишда тароқ тишларига ўхшайди. "Қапсақўл гул" гилами қўл бўйида ўсадиган ўсимликлардан андоза олиниб, нақш ишланганлиги учун шундай номланган. XX асрнинг 50-йилларига келиб Хоразмда гиламчилик қайта ривожланди.

Хоразм амалий санъат музейида кўплаб хорижий сайёҳларни учратиш мумкин.

— Очиқ осмон остидаги кўҳна шаҳар обидаларининг ўз ҳолича сақлангани, агар реставрация қилинган бўлса, худди аслидай амалга оширилгани ҳайратимизни оширди, — дейди австралиялик сайёҳ Роберт Эллиотт. — Халқингизнинг қадимий анъаналар, қадриятларни унутмасдан, ёш авлодга ўргатиб келаётгани ўзликни англашда айни муддаодир. Айниқса, қўл меҳнати билан қилинган амалий ишларнинг машаққати-ю қадр-қимматини жуда яхши биламиз. Бир асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да аслидай сақланган гиламлар, улардаги нақш ва ранглар худди яқинда ишлангандек. Бу ҳар қандай сайёҳни ҳайратлантирадиган мўъжизадир...

Дарҳақиқат, дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб этаётган халқ амалий санъати намуналари, жумладан, миллий гиламларимиз, гиламчилик маҳсулотлари тарихини чуқур ўрганиш, уларни тўплаб, алоҳида музей ташкил этиш фурсати келди. Бу келажак авлод вакилларини ўзбек миллий гиламдўзлик санъати намуналаридан баҳраманд этиш, юртимизда шаклланган гиламдўзлик мактаблари намуналарини бир жойга тўплашга, уларда акс этган тарих, миллий қадриятлар ёшлар қалбида бўй кўрсатишига хизмат қилади.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
25 (509) 2018 йил 27 июнь, чоршанба

Қадрият

ЯНГИЛАНИШ ДАВРИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.


Демак, Ислом цивилизацияси маркази Ўрта Осиёдаги, хусусан, юртимиздаги исломий юксалишлар жараёнини фақат тарихий даврларга бўлиб, фақат бир ўтмиш сифатида акс эттириши етарли эмас, балки, ҳар бир соҳа илмини муайян кенгликда акс эттириши лозим. Масалан, жаҳон ақида (эътиқод ёки илми калом) мактаби, тафсир, ҳадис, фиқҳ ва тасаввуф мактабларининг тарихий ва замонавий жараёнлари Цивилизация маркази фаолиятида ўз аксини топиши зарур.

Давлатимиз раҳбари кун тартибига қўяётган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғояси давр шиорига айланди. Юртбошимиз ҳамма нарсанинг асоси илм ва маърифат бўлиши зарурлигини таъкидлаб, айниқса, имом-хатибларимиз илми ва малакасини ошириш ўта зарур эканини уқтирди. Бугун кишига бирор исломий ўқув даргоҳини тугатганлик ҳақидаги ҳужжат кифоя қилмайди, давр билан ҳамнафас яшаш, жаҳон сиёсати ҳақиқатларидан хабардор бўлиш, ижтимоий тараққиёт ва таназзуллар сабабларини ўрганиш, жонажон Ватанимиз равнақига ҳар томонлама ҳисса қўшиш жамики зиёлининг фарзандлик вазифасидир.

Зеро, Президентимиз Ислом цивилизацияси марказини ташкил этишда "халқимизнинг ижодий даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни илмий асосда ҳар томонлама теран ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, улар билан аҳолимиз ва жаҳон жамоатчилигини кенг таништириш, "инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни инсонпарварлик ғоялари, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш"ни асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб берган диққатга сазовор.

Юртимизда "устоз-шогирд"лик даргоҳи шаклидаги ҳаёт мактаби ҳамиша давом этиб келган. Ўтган ҳар бир муршиди комил ёки улуғ алломанинг ўз илм-маърифат даргоҳи мавжуд бўлган. Соф ва соғлом эътиқодга эга бўлиш, ёшларни тўғри камол топтириш учун мазкур тасаввуф ва таълим даргоҳларини тиклаш, ана шу асосда давримиз талабларига мувофиқ илмий ходимлар етиштириш бугунги кундаги муҳим вазифалардандир.

Китобга қайтиш — виждонга қайтиш, ҳақиқат ва



адолатга қайтиш демакдир. Шунинг учун китобга ва илмий, маданий-маърифий меросга бўлган муносабат мамлакатимизда ҳамиша ўз долзарблигини сақлаб қолади. Миллат руҳий ҳаётининг энг муҳим кўзгуси китобдир. Жаҳон ва юртимиз уламоларининг илмий-маърифий меросини халқимизга тўғри ва тўлиқ ҳолда етказиш, ҳазрати Имом Бухорий, ҳазрати Имом Термизий, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ зотлар илмий хазинасини ўз халқимизга етказиш билан бирга жаҳон халқларига ҳам тақдим этиш ана шу ўлмас мерос эгаларининг зиммасидаги доимий вазифадир.

Зотан, Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш ҳақидаги Президент қарорида таъкидланганидек: "Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Айни вақтда таъкидлаш лозимки, ана шу бетакрор илмий мероснинг барча қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Биргина мамлакатимиз китоб хазиналарида сақланаётган, асосий қисми ЮНЕСКОнинг маданий мерос рўйхатига киритилган 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар ҳам шундан далолат беради".

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини иморатининг тамал тошини қўйиш асносидаги суҳбатда айтган ушбу сўзлари дил-дилимиздан ўрин олди:

"Амалга ошириладиган ҳар бир иш учун энг катта ҳакам — халқ, энг одил ҳакам — вақтдир";

"Ҳозирча бизнинг ишларимиз қоғозда, режалар шаклидадир, бу фикр-режаларимизни жаҳон ҳамжамиятига етказиш, ундан жаҳон халқларини баҳраманд қилиш муҳим вазифаларимиздандир";

"Халқимизнинг маърифий онгини, муқаддас ислом динига бўлган фикрий муносабатини янгилаш ва ривожлантириш давримиз талабидир";

"Жонажон Ватанимизнинг эртанги кунини бугундан белгилашимиз зарур";

"Ватанимиз тинчлигини ўйлаш, бу неъматни қадрлаш доимий вазифамиздир";

"Бугунги даврда ҳар бир оила тадбиркор бўлишига эришмоғимиз лозим, токи ҳар бир оила Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиш имконига эга бўлсин";

"Дилимизда, ҳаётимизда нур бўлиши керак, нур битта, нур ҳаммага етиши керак!";

"Халқнинг ҳамиша битта нияти бор, халқнинг нияти фарзандлар камолини кўриш! Фарзандлар камолини кўришни ҳар кимга насиб этсин! Биз мана шу ният йўлида халқимизнинг хизматида бўлишимиз керак!";

"Биз халқимизга эркинлик берамиз! Бошқа йўлимиз йўқ! Лекин одамлар, айниқса, ёшлар бу эркинликни тўғри тушуниши ва ундан тўғри фойдаланиши керак!";

"Биз ҳамма нарсани яхши томонга ўзгартирдик, ҳамма нарса, жумладан, халқимизнинг дунёқараши ҳам яхши томонга ўзгариши лозим".

Дарҳақиқат, кейинги бир ярим йил давомида илмий-маданий, маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилсак, шубҳасиз, бу жараён жамиятимизда янгиланиш ва ўзгаришлар даври бўлиб бораётганига шоҳид бўламиз.

Дастлаб буюк муҳаддис, ҳазрат Имом Бухорийнинг шогирди ва буюк издоши ҳазрат Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг Шеробод туманидаги мақбараси қайтадан қурилиб, зиёратчиларга тақдим этилди. У даргоҳда янги жомеъ-масжид бунёд этилиб, файзи илоҳига сабаб бўладиган хатми Қуръонлар йўлга қўйилди.

Юртимиз ва жаҳон илму маърифат аҳли учун улуғ туҳфа — Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилиб, Термиз шаҳрида бу марказнинг янги биноси қурила бошланди. Айни вақтда Термиз шаҳрида беназир жоме-масжид бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, асл маънодаги халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиги, атоқли ёзувчи ва давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг юз йиллигини нишонлаш тадбирлари, Самарқанд, Бухоро, Китоб шаҳарларида Фиқҳ мактаби, Ақоид мактаби, Ҳадис мактаби, Тафсир мактаби, Тасаввуф мактаби каби илмий-маърифий даргоҳларнинг ташкил этилиши, Бухорода янги Ислом институти очилиши, Халқаро Ислом академиясининг ташкил этилиши халқимизнинг маърифий-маънавий ҳаётида ўз таъсирини қолдирадиган улуғ тадбирлардир.

Айниқса, китоб нашри ва тарғиботига бўлган эътибор, китоб маҳсулотларини нашр этиш ҳақда қатор ҳужжатлар имзоланиши, мазкур қарорларда болалар адабиётига эътиборни кучайтириш, ёшлар ахлоқига салбий таъсир этадиган асарларни нашр этишнинг олдини олиш ҳақидаги талаблар жамиятимиз ҳаётидаги чинакам янгиланиш жараёнларини кўрсатувчи далиллардир. Яна Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, диний-маърифий фаолиятни тубдан яхшилаш ҳақидаги Президент қарорлари Ўзбекистондаги маънавий-маърифий ҳаётни тубдан янгилаш ва яхшилашга қаратилган оламшумул тадбирлардир. Барча теран ислоҳотларнинг тинч йўл билан олиб борилаётгани эса халқимизнинг бирдамлиги йўлидаги оқилона сиёсат натижасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида 120 мамлакатнинг раҳбарлари қатнашган олий анжуманда сўзлаган нутқи, унда муқаддас динимизга бўлган жасоратли ва шижоатли муносабат, ҳазрати Имом Бухорий номининг зикр этилиши барча маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятнинг гултожи бўлиб, диёримиздаги барча янгиланиш, ўзгариш ва ислоҳотлар ана шу оламшумул нутқ руҳига мувофиқдир.

Ўйлаб қарасак, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази иморатига қўйилган тамал тоши диёримизда янги ҳаёт, янги давр, янгича соғлом муҳитнинг тамал тошидир, дейишга етарлича асос бор. Яратган Эгамиз дунёнинг моддий туришини маънавий омилларга боғлиқ қилиб қўйган. Чунончи, аҳолиси бир-бирини ислоҳ қилиб турадиган мамлакатда умумий балолар дафъ бўлади, нопок ликдан сақланувчи халқлар вабодан сақланади, муҳтожларга шафқат кўрсатиб туриладиган жойларда ёмғир сероб бўлиб, баракот бардавом бўлади, тақво асосида яшайдиган манзилларда Аллоҳ таоло осмон ва ердан баракот эшикларини очиб қўяди. Ҳадиси шариф маъносига кўра, дунёнинг туриши тўрт нарса: раҳбарнинг адолати, уламоларнинг илми, бойларнинг саховати, фақирларнинг дуоси биландир. Умид қиламизки, жамиятимиз ана шу тўрт нарсадан баҳра топадиган, тараққиёти манфаатли, халқи моддий ва маънавий бадавлат юксак жамиятга айланади.

Шубҳасизки, давлатимиз раҳбарининг хизмат ва ташаббуслари боис кейинги бир ярим йил ичида ҳаётимизга янги бир руҳ кириб келди. Инсонларнинг ҳаётга бўлган рағбати, умиди кучайди. Халқ орасидан сунъий равишда душман излаб яшагандан кўра, инсонларни ҳаётдан бездиришдан кўра, уларни давлатга, жамиятга дўст қилиш, яшашга, ҳалол меҳнатга, бунёдкорликка, инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик ғояларига бўлган шавқи ва рағбатини ошириш муҳимроқ ва яхшироқ эканлиги тобора равшанроқ намоён бўлмоқда.

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бўлим бошлиғи,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Мутолаа

МЕЗОНИ ЎЗГАРМАГАН ЖУРНАЛИСТ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Муҳаммаджон Обидов яқинда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Журналист суриштируви. Тажриба ва таҳлил" мавзуида суҳбат ўтказди, шу номдаги янги рисоласини ўқитувчи ва талабаларга тақдим этди. Ўша куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида рисоланинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Сўзга чиққан ижодкорлар, мутахассислар долзарб мавзу, камёб жанрда ёзилган, қизиқарли, ибратли мисолларга бой асар ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар.



Сермаҳсул, тиниб-тинчимас, изланувчан, ташаббускор ҳамкасбимиз қирқ йилдан ортиқ ижодий фаолияти давомида кўплаб ўткир мақола, шов-шувли телекўрсатувлар муаллифи бўлди. Бир қанча хорижий мамлакатларга сафар қилди. "Мен кўрган дунё", "Буюк ипак йўлидаги Шинжон", "Фарғона: истиқлолдан истиқболга", "Вилоят журналистикаси" каби китоблар ёзди. Бир неча йилдирки Фарғона журналистларининг сардори, ишбилармон раҳбар сифатидаги фаолияти ҳавас қилгулик, ибрат олгулик.

Рисола катта эмас, сал кам юз саҳифалик. Лекин унинг аҳамияти, қиммати ўзгача. Журналист суриштируви — камёб жанр. Бу жанрда қалам тебратиш учун энг аввало икки нарса — жасорат ва маҳорат талаб этилади. Муаллиф узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб ёзадики, яна катта билим, соф қалб, сабр-тоқат, журъат ва дадиллик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик, маълумот, далил, ҳужжатларни қўлга киритишда эринмаслик, топқирлик керак бўлади. Бу жанр "менинг қулбаи хонам бир чеккада ёки фақирнинг жойи панада" дейдиганларнинг эмас, Ватан, халқ манфаатларини биринчи ўринга қўйиб суриштиришга киришувчи, ҳақ, адолат ғалаба қилишига ишонувчи, мақола, кўрсатувдан кейин кўпчиликнинг дуосини олишини ёки айрим кишиларнинг қитиқ-патига тегиши, мумкинлигини сезувчи, аммо қаршилик, тазйиқларга қарамай аҳдидан қайтмовчи журъатли журналистларнинг иши.

Китобга жамланган мақолалардаги воқеалар ўтган асрнинг сўнгги йилларида асосан Фарғона вилоятида кечган бўлса-да, кўтарилган айрим муаммолар юрт ҳаётига дахлдор эдики, бу мустақилликнинг мустаҳкамланиши қийинчилик, машаққатлар билан бугунги тараққиёт даражасига етганимизни англатади.

..."Қуватекс" қўшма корхонаси очилиши тантаналарини кўрсатиш учун борган журналистда турли туманларда етиштирилган пахта ортиқча ҳосилидан 14,5 минг тонна тола хомашёсини хорижнинг "Язекс" фирмасига сотиш, тола қийматини юз фоиз олдиндан тўлаш, тўлов пулига йигирув, тўқув, тикув линияларини олиш шартномада кўрсатилган бўлса-да, маҳсулот бир цент ҳам тўланмасдан олиб чиқиб кетилиши шубҳа уйғотади. "...қутилмаганда танганинг орқа томонини ифодаловчи ҳужжатлар қўлга тушиб қолди, неча марта ўқиб-ўрганиб чиқдим, янги дафтар олиб, керакли жойларини аввал аслича, сўнг таржима қилиб ўзбекчада ёздим. Рақамларни такрор ва такрор ҳисобладим, солиштирдим, фойда-зарарини чўтга туширдим... Охир-оқибат, "балки бу ҳужжатлар сохтадир, уни менга берган одам бошқалардан ўч олмоқчидир", деган фикрга келдим... Демак, биринчидан, ўқиб-ўрганганим ҳақидаги маълумотларни сир сақлаш; иккинчидан, қандай қилиб бўлса-да, ҳужжатлардаги рақамлар рост-ёлғонлигини текшириб кўриш; учинчидан, шартнома-контракт шартларининг ижроси бўйича қўшимча маълумот йиғиш; тўртинчидан, ўзи иштирокчиси бўлган воқелик ҳақида интервью беришга рози бўладиган одамларни танлаш, тайёрлаш лозим эди. Бу вазифаларнинг фақат биринчисигина менга боғлиқ, қолган учтаси ҳам хавфли, ҳам ўта қийин. Аммо буни уддалаш керак. Чунки унинг олдида Ватан манфаати турибди" ("Бой буванинг ҳотамтойлиги кимнинг ҳисобидан?", 9-10 бетлар).

Узунроқ иқтибос келтирилиши боиси журналист суриштирувининг нечоғли сермеҳнат, диққатталаб, қалтис, пировардида хайрли иш эканлиги ҳақидаги тасаввурни бойитиш. Журналист белгиланган вазифаларни тўлиқ бажаради, шартнома шартларида белгиланган пахта толасининг харид нархи бир ярим баробар арзон кўрсатилган, давлатга катта миқдорда зарар келтирилган. "Язекс"—"Пахтасаноатсотиш" ўртасидаги шартнома ё саводсизлик туфайли, ё манфаатлар уйғунлиги туфайли, келишилган ҳолда тузилган, деган фикрга келади. "Ахборот"да икки ярим дақиқалик кўрсатувни муаллиф "сиз ҳозир кўрган воқеликлардан сўнг "Язекс"ни ишончли ҳамкор дейиш мумкинми? Буни шартнома шартларини бузганлар қандай изоҳлар экан?", деган савол билан тугатади. Очиқ осмонда чақмоқ гулдирагандай бўлади. Кўрсатув назарга тушади ва нуфузли идоралар томонидан кўриб чиқилади, сохта фирибгарлик ошкор бўлади.

"Муаммонинг илдизи қаерда?" мақоласи вилоятда бир муддат юз берган бензин тақчиллиги хусусида: ёнилғи қуйиш шохобчаларида машиналар турнақатор бўлиб кетгани журналистга тинчлик бермайди. Яна суриштиришга киришиш, далиллар йиғиш, айрим дахлдор ташкилотларнинг ҳақиқий аҳволни яширишга, ҳужжатларни сир сақлашга уринишлари, журналистнинг қатъияти, қайсар фактларни қўлга киритиши, доимий ҳамкори — оператор Шуҳрат Мирзакаримов керакли жойларни тасвирга тушириши туфайли Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси хомашё — нефть етишмаслиги учун сўнгги кунларда ўттиз фоиз қувват билан ишлашга мажбур бўлгани, бензин, айниқса, дизель ёнилғиси тақчиллиги халқ хўжалиги юкларини ташиш, қишлоқ хўжалик ишлари вақтида бажарилмай қолишига олиб келгани маълум бўлади. Экрандаги тасвир, журналистнинг "Бундай аҳволдан "Ўзбекнефтгаз" компанияси раҳбарияти хабардорми? Энди у қандай тезкор чоралар кўрар экан?" — деган сўзлари билан якунланади. Репортаждан сўнг вилоятга нуфузли комиссия келади. Бундан, айниқса, водий аҳлининг хуш-хурсандчилиги, айни чоғда "товони босилган" кишиларнинг норозилиги, республика прокуратурасидан келган амалдорнинг "бировнинг бу-юртмаси билан бу ишга қўл ургансан, қанча олгансан?" дея муаллифни қийин-қистовга олиши, "ҳаёт буюртма берган!" дея қаттиқ турган журналистнинг тақдири нима бўлишини кутиб уйида ўтириши, ҳокимиятга чақиришганда, "энди кетдим", дея оиласи билан хайр-хўшлашиши, бахтига хушхабар билан кутиб олиниши (репортаждаги далиллар тасдиғини топгани, Қозоғистондан нефт ортилган эшелон йўлга чиққани) тафсилотларини ҳаяжон билан ўқийсиз. Умуман М. Обидовнинг эл, юрт ғамини кўзлаб ёзган мақолалари, тайёрлаган репортажларининг аксарияти воқеа — шов-шув бўлгани, кўплаб хайрихоҳлар билан бирга ғанимлар ҳам орттиргани ва ...охири бахайр якун топгани маълум.

Масалан, "Импорт қилинган сариёғ кимга керак эди?" репортажи учун "масалани чуқур ўрганмай туриб бир ёқлама талқин қилган", деган айб билан ишдан бўшатилади, лекин маълум муддат ўтгач, адолат қарор топиб тикланади, "Фарғона сут заводидаги сариёғ истеъмолга яроқсиз", деган хулосага қўл қўйганлар вазифасидан озод этилади.

"Орион"нинг иккита чўнтаги" мақоласи ёғ комбинатидан аниқ далил, рақамларга, одамларнинг холис фикрларига асосланиб ёзилган, тасвирга олинган. Репортаж эфирга кетгунча анча тихирлик, қаршиликлар бўлади, республика прокуратураси бошқарма бошлиғи "корхонани аввал биз текширамиз, сўнг эфирга кетиш-кетмаслик масаласида фикримизни айтамиз, ҳозир уни кўрсатиш мумкин эмас", дея дағдаға қилганида "биз материални эфирга беришга ҳақлимиз", дейди журналист. Аслида шелуханинг килоси 4 сўм, кунжараники 8 сўм бўлгани ҳолда "Орион" магазинидан товламачилар қўйган бир неча баравар нархда сотиб олишга мажбур бўлган одамлар, репортажни кўришгач, "раҳмат", "барака топинг" дейишади, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг республика марказий газетаси орқали йўллаган "Масъулият" номли очиқ хати катта далда бўлади...

Муҳаммаджон Обидов бошқалар илғамайдиган нарсаларни илғайдиган синчков ижодкорлардан. Ҳар биримиз кундалик ҳаётда дуч келишимиз мумкин бўлган бироқ кўп ҳам аҳамият бермайдиган воқеа-далиллар унинг эътиборидан четда қолмайди: қора ундан тайёрланган мантидан норози хўранданинг ошпаз билан баҳс-тортишувига гувоҳ бўлган журналистни бу факт ўйлантириб қўяди, тинчини олади. Кейин ўша ошпаз, новвойлар, харидор йўқлигидан омборда йиғилиб қолган ун сотувчилар билан гаплашади — масаланинг илдизига етади. Маълум бўлишича, манти хамири клейковинаси паст, қуввати йўқ, неча марта элакдан ўтказса ҳам кепаги ажрамайдиган юмшоқ навли буғдой унидан тайёрланган экан. Икки ярим дақиқалик лавҳани давлат раҳбари кўрган, дарҳол йиғилиш чақирган, "энг қора, истеъмолга деярли яроқсиз унни чиқарган, устига-устак уни "Ўзбекистон" деб номлаган мутахассисларга қаттиқ дашном беради ва... тез орада омборлардан бу нав ун йиғиб олинади ("Бефарқлик" мақоласи). Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

Муҳаммаджон Обидов мақола, репортажларида воқеа, ҳодисаларни оширмай, тоширмай, яширмай холис ёзиш, кўрсатишга интилади: "Мен ҳам фариштa эмасман, ўзим билган-билмаган камчиликларим бор. Хатога ҳам йўл қўйганман, шунга яраша жазосини олдим. Лекин инсоф, диёнат каби қалбий меъёрлар борки, умр бўйи унга хиёнат қилиб қўймай, дея қўрқиб яшадим".

Ҳа, аслида ҳам журналистнинг мезони ўзгармас — адолат ва ҳақиқат. Қолгани — риё ёки амалсиз сўзбозлик бўлсин, уларнинг манзили охир-оқибат шармандаликдир.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, публицист

Электорат минбари

Ватанимизда тарихий масканлар, азиз авлиёлар мангу қўним топган муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар кўп. Бироқ, афсуски, бу улуғ зотларнинг ҳаммасининг ҳам ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳали тўлиқ тадқиқ этилмаган...

ҒОЙИБ ОТА МАНЗИЛГОҲИ "ҒОЙИБ БЎЛМОҚДА"

У ТИКЛАНСА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШИЛАДИ

Пайариқ тумани Челак шаҳрида жойлашган Ғойиб ота номи билан машҳур манзилгоҳ ҳам ана шундай эътиборга муҳтож манзил-маконлардан биридир. Асл исми Хўжа Ҳасан ибн Абдуллоҳ ибн Сафар Миёнқолий Ас-Самарқандий бўлган бу зот нақшбандия тариқатининг номдор пешволаридан. Машҳур тарихчи Жума Қули ал-Кошийнинг "Тарихи Мужаддидия" ёки "Тарихи Хумули" номли асарларида бу зот ҳақида анча батафсил маълумотлар берилган. Унда ёзилишича, Ғойиб ота тахминан 1750 йилда Самарқандда таваллуд топган. Тиллакори мадрасасида 7 йил таҳсил олган, тасаввуф илмига ихлосманд бўлган. Унга Хўжа Аҳмад Махдуми Аъзам ал-Даҳбедий авлодларидан бири Мусахон устозлик қилган. Мусахон Даҳбедий Самарқанд, Бухоро ва Ҳиндистонда таҳсил олган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Унинг 100 дан ортиқ шогирдлари Марказий Осиё, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Татаристон ва бошқа юртларда устозлари таълимотини кенг ёйган. Хасан ибн Абдуллоҳ Миёнқолий (Ғойиб ота) унинг энг яқин ва истеъдодли шогирдларидан бири эди. У бир неча йиллик таҳсилдан сўнг тасаввуф илмидан иршоднома олади ва Челакдан муҳим ўрин топади. Унинг атрофига Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва Хоразмдан мухлису муридлар йиғилади.

1821 йилда Самарқанд музофотида амир Ҳайдар ва унинг саркардалари зулмига қарши исён кўтарилди. Бунинг оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлади, дала ва экинзорлар топталиб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинади. Буни кўрган Хўжа Ҳасан бир неча шогирди билан Бухорога, Амир Ҳайдар ҳузурига бориб, саркардаларнинг ғайридиний ишлари, зулми, ўз нафслари учун турли солиқлар солиб халқни хонавайрон қилаётганини маълум қилади. Хон унинг арзини инобатга олиб, тафтиш қилишини, айбдорларга жазо беришни ваъда қилиб, Хўжа Ҳасанни иззат-икром билан ортига қайтаради ва халқни тинчлантиришга ёрдам беришини сўрайди. Хўжа Ҳасан ортга қайтгач оқсоқолларни йиғиб, Амир Ҳайдар билан сулҳ тузишга чақиради ва хон номидан ҳақиқат тикланишига ваъда беради. Шунда амирнинг нопок саркардалари бир неча аскар билан тунда Хўжа Ҳасаннинг уйига бостириб кириб, уни ўлдириб, хонадонига ўт қўйиб қочадилар. Одамлар ёнаётган уй атрофига йиғилганида, ундан Хўжа Ҳасан соппа-соғ ҳолда чиқиб келган ва бир он одамларга тикилиб, яна олов ичига кириб кетган. Шунда унинг авлиёга айлангани англашилади. Олов ичида кўринмай кетгани учун унга Ғойиб ота номи берилган. У кишининг қабри гарчи ҳозирга қадар сақланган бўлса-да, лекин қаровсиз ҳолда қолиб кетган. Ундан зиёратчилар қадами бир зум бўлса-да узилмайди.

Бой тарихий меросга эга халқмиз. Аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бироқ бугунги кунда айрим жойлардаги эътиборсизлик туфайли уларнинг номи ва тарихи авлодлар хотирасидан ўчиб бормоқда. Бунга Ғойиб ота зиёратгоҳи яққол мисол бўла олади. Агар унга ҳозирданоқ алоҳида эътибор қаратилмаса, у яшаб ўтган ва қўним топган жой тез орада ном-нишонсиз йўқолиши ҳеч гап эмас. Чунки Челак шаҳри бозорининг биқинида жойлашган зиёратгоҳ бугун ачинарли ҳолга тушиб қолган.

Агар Ғойиб ота мангу қўним топган маскан обод қилиниб, мақбара бунёд этилса, унинг ён-атрофи ободонлаштирилса, авлиё ҳақидаги маълумотлар тўпланиб рисола чоп этилса, яна бир хайрли иш амалга ошган бўлар эди.

Ўрол БОБОМУРОДОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси


БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



Ватан, халқимиз манфаатлари йўлида садоқат билан фидокорона меҳнат қилаётган барча журналист, матбаачи ва нашриёт ходимларини

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

билан самимий табриклайди.



Маҳсулот сертификатланган.

Замонамиз зиёлиси

"МАЪНАВИЯТИ БУТУН ОДДИЙ КИШИ ҲАМ ЗИЁЛИДИР..."

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



— Халқимиз, ёшларимиз санъат аҳлига ҳурмат-эътибор билан қарайди. Лекин у намуна бўлиш ўрнига саёз қўшиқ айтса, саҳнага енгил-елпи кийиниб чиқса...

— Дарҳақиқат, санъаткорлар, айниқса, қўшиқчилар бу масалага жиддий эътибор қаратишлари зарур, деб ҳисоблайман. Санъаткор халқнинг эътиборидаги одам. Саҳнага чиққан одам барча жиҳати — юриш-туриши, кийиниши, гапираётган ҳар бир сўзи, ўзини тутиши билан назар-эътиборда бўлади. Таниқли рус адиби Антон Чеховнинг машҳур гапини сал ислоҳ қилиб айтганда, санъаткорнинг барча жиҳати нафақат гўзал, балки намуна ҳам бўлиши керак. Шундагина у чинакам зиёли бўла олади. Чинакам зиёли кўпчиликка намуна, дегани. Тўғри, бу масалага айни пайтда мутасадди ташкилотлар томонидан жиддий эътибор қаратилаётир. Хонандалар фаолияти, кийиниш маданияти ва улар куйлаётган қўшиқлар маъно-мазмуни қизғин муҳокама қилинмоқда. "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ўтказаётган қатор анжуманлар, турли телекўрсатувлар, ток-шоуларда енгил-елпи, савиясиз қўшиқларни чеклаш борасида таклифлар билдириляпти. Мазмунан саёз қўшиқлар ва уларга ишланган клипларни телерадио эфирларидан олиб ташланиш жараёнини кузатяпмиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар мавсумий эмас, мунтазам олиб борилгандагина натижа қониқарли бўлиши мумкин.

— Билдирилаётган турли эътироз, мавжуд муаммоларнинг туб илдизи, сизнингча, қаерга бориб тақалади? Санъатнинг қаттиқ нонини еган, ўзлигини йўқотмай келаётган инсон сифатида унинг асосий сабабларига батафсилроқ тўхталсангиз...

— Куй-қўшиқнинг маъно-мазмуни, санъатнинг асл моҳиятини тушуниб етмаган баъзи хонандалар туфайли бугун кўпчиликда эстрада вакилларига нисбатан умумий салбий тушунча шаклланиб улгурди. Асосий муаммо —изланиш ва янгиликка интилиш суст, хорижга кўр-кўрона тақлид, кўчирмакашлик урчиб бораётганида. Ҳатто саҳнада ҳам уларга ўхшаб кийинишга ўта бошладик.

Илгари бадиий кенгашнинг талаби қаттиқ бўларди. Кўрикка ўнлаб қўшиқларни тақдим этардик. Улар ичидан бирор қўшиқнинг қайсидир нотаси бошқа бир асарга ўхшаб қолса ҳам тасдиқдан ўтмасди. Ҳайъатга ҳавола этилган қўшиқларнинг атиги уч-тўрттасининг "омади чопарди", холос. Бугун-чи? Тартиб-ку бор, аммо талаб суст — ҳар ким хоҳлаганини куйлайди. Назаримда, таълим муассасаларида дарс жадвалидан ўрин олган мусиқий сабоқларнинг сифати ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш фурсати келди.

— Бугун иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, ҳар жиҳатдан зукко, билимли, умуман, зиёли қатламнинг ижтимоий ўрнини мустаҳкамлаш, улар аудиториясини кенгайтириш учун катта авлод вакиллари зиммасидаги асосий вазифалар, сизнингча, нималардан иборат?

— Биргина таълим соҳасини олсак, ўқитувчи ўқувчига нимани ўргатаётганини энг аввал ўзи яхши билиши керак. Бугун устознинг билими, савияси қай даражада, деган масала кун тартибига чиқяпти. Ҳаётий тажрибамга таянган ҳолда бемалол айтишим мумкин: чекка-чекка ҳудудларда, қишлоқларда иқтидорли ўғил-қизлар жуда кўп. Уларни ҳар томонлама қўллаш, ижодий камолоти учун имкон қадар шароит яратиб бериш асосий вазифамизга айланиши керак. Бунинг учун эса боридан унумли фойдаланиш, яъни мавжуд болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада кучайтириш зарур.

Танганинг иккинчи томони ҳам борки, мусиқага, санъатга меҳр қўйган ёшларнинг ҳаммаси ҳам санъаткор бўлиши шарт эмас. Мусиқанинг тарбиявий аҳамиятини эътибордан соқит қилмаслик, буни ҳар бир инсон яхши англамоғи керак. Негаки, санъатга ихлоси бор инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, уларда турли ёт оқимларга қарши маънавий иммунитет мустаҳкамланиб боради.

— Ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ҳақида сўз очилди... Демоқчи бўлганим, бундан қирқ беш йил илгари, бор-йўғи ўн уч ёш пайтингиз ўз санъатингиз билан эл-юртга танилган эдингиз. Ваҳоланки, у пайтлар ёшларга бўлган эътибор бугунгидек бўлмаган, десак адашмаган бўламиз.

— Қўшиқчилик оламига кириб келишимга аввал устозим Носиржон Мирзараҳимов, сўнг Етмишбой Умрзоқов сабабчи бўлган. Етмишбой Умрзоқов билан 1971 йилнинг бошиданоқ туман миқёсида ўтказиладиган "Санъат ғунчалари" кўрик-танловида қатнашишга тайёргарлик кўра бошладик. Олимжон Холдор сўзи билан айтиладиган "Андижоним" қўшиғини ўргандим. Мактабимизда гарчи мусиқа асбоблари етарли бўлмаса-да, қўшиқни тайёрладик ва кўрик-танловда қатнашдим.

Ҳайъатга раҳбарлик қилган ёши улуғ киши кўрик-танловдан сўнг мени олиб қолди. Қўшиқни қайтадан, пишиқ-пухта ўрганишимни маслаҳат берди, камчиликларимни кўрсатди. Орадан кўп ўтмай, "Андижоним" бутунлай ўзгача оҳангда ижро этилди...

— "Марҳабо, талантлар!" республика кўрик-танлови сиз учун санъат йўлида янги саҳифа очганлигини катта авлод вакиллари яхши билади...

— Мамлакат санъаткорлари орасида ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлган устозим Ғуломжон ота Рўзибоевнинг саъй-ҳаракати билан ушбу тадбирда танловдан ташқари 12 ёшимда иштирок этганман. Жонли ижрода қўшиқни куйлаганимдан сўнг анча вақт концерт зали қарсаклар оғушида қолгани ҳамон кўз ўнгимда.

Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла "Қизим, барака топ! Ижронг учун ўн баҳо!" дея руҳлантирганида, олқишлар яна давом этган эди. Қоидага кўра, танловдан ташқари ушбу беллашувда иштирок этганларга ижро учун баҳо берилмас эди. Шу кўрик-танловдан сўнг республика радиосида "Андижоним" тез-тез янграй бошлади.

Ғуломжон ота нозик дидли созанда бўлиб, шеъриятни чуқур ҳис этар, ўзига маъқул келган шеъргагина куй басталар ва уни шогирдларига ўргатарди. "Марҳабо, талантлар!" кўрик-танловидан сўнг ишимиз янада қизғин давом этди. Ҳабибий домланинг "Қишлоқларимдан", Пўлат Мўминнинг "Устозлар", Эркин Воҳидовнинг "Ёшлигим" каби ўндан зиёд қўшиққа устоз куй басталаб, менга ўргатишга киришди. Орада туман, вилоят миқёсидаги тадбирларда иштирок этиб, ўрганган қўшиқларимни куйлай бошладим. "Куйла, Санобар!" телефильмининг суратга олиниши эса алоҳида тарих...

Сирасини айтганда, ҳар қандай ютуқ ва муваффақиятингиз замирида қайсидир маънода атрофингиздаги инсонларнинг ҳиссаси бўлади. Демоқчиманки, боланинг қобилиятини пайқаб, унга ижобий туртки бериш, тўғри йўналтириш кўп жиҳатдан устозларга боғлиқ. Юқорида болалар мусиқа ва санъат мактаби ёхуд умумтаълим мактабларидаги ашула дарсларига жиддий эътибор бериш зарур, дея бежиз таъкидламадим. Халқимизда "Бола бошидан..." деган нақл бор. Биз агар ўғил-қизларимизга болалигидан тўғри тарбия берсак, уларни тўғри йўлга йўналтирсак, келажакда сизу биз кутган чинакам зиёлиларни камолга етказган бўламиз.

Нурилло НЎЪМОНОВ суҳбатлашди.

Реклама

QQB | QISHLOQQURILISHBANK



МАЗКУР ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИБ:

☑ Муддати келган омонатни амалдаги бошқа омонат турларига масофадан қайта расмийлаштириш;
☑ Масофадан омонат ҳисобрақамлари очиш;
☑ Мавжуд омонат ҳисобрақамлари қолдиқларини назорат қилиб бориш;
☑ Омонат ҳисобрақамини ёпиш ва маблағ қолдиғини тегишли ҳисобрақамларига ўтказиш;
☑ Муддати келган омонатлар бўйича банк филиалидан автоматик тарзда SMS-хабарнома қабул қилиб бориш;
☑ Банк пластик карточкасидан омонатларга маблағ қўйиш мумкин.

"Қишлоққурилишбанк" – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-93-39, 150-72-58
www.qqb.uz
Хизматлар лицензияланган

МММда

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ЎТКАЗИЛАДИ

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги 2017-2021 йилларда халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга кино санъати ролини ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида "Ўзбеккино" Миллий агентлигининг кейинги фаолияти ва мақсад-вазифалари белгилаб берилди. Шу йилнинг июнь ҳолатига кўра Бадиий кенгаш тасдиқлаган ва ишлаб чиқаришга туширилган 23 бадиий фильмнинг 11 таси тарихий мавзуда. Буюк муҳаддис Имом Термизий ҳаёти ҳақида "Имом Абу Исо Термизий", мўғул босқинига қарши курашган аждодларимиз қаҳрамонлиги ҳақида "Элпарвар", хоразмлик буюк ислоҳотчи – XIX аср охири XX аср бошларида Хивада катта ислоҳот ўтказган маърифатпарвар вазир Исломхўжанинг фожеий ўлими ҳақида "Исломхўжа", Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад ва унинг турмуш ўртоғи Саида Зуннунованинг пок муҳаббати ва аччиқ қисмати ҳақида "Саид ва Саида", Иккинчи жаҳон уруши воқеалари ва ўзбек халқининг мардоновторлигини тараннум этувчи "Берлин-Оққўрғон" каби кинолойиҳалар шулар жумласидан.

Замондош қаҳрамонларнинг бадиий талқинини яратиш, уларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссасини кенг оммага ибрат намунаси сифатида кўрсатиш мақсадида давлат буюртмасига асосан "101-рейс", "Ёвқурлар", "Тақдир поезди", "Барон - 2" каби фильмларни суратга олиш ишлари бошлаб юборилди.

— Миллий кино санъатининг ривожланиши халқаро ҳамкорлик, хорижлик киноматографлар тажрибасидан ижодий баҳраманд бўлиш билан чамбарчас боғлиқ, — дейди "Ўзбеккино" Миллий агентлиги директори Фурқат Зокиров. — Шу мақсадда Хитой, Япония, Россия, Ҳиндистон, Туркманистон, Қирғизистон киноижодкорлари билан ҳамкорликда фильмлар тайёрлашни режалаштиряпмиз. Йил охиригача ҳиндистонлик киноижодкорлар билан "Шоду хуррамлик", қирғиз киноижодкорлари билан бирга "Сарвқомат дилбарим" бадиий фильмларининг суратга олиш ишларини якунлаймиз.

Ўзбекистондаги чет эл элчихоналари билан ҳамкорликда Осиё ва Европа қитъаларидаги мамлакатларнинг кино кунларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Ўз навбатида Қозоғистон, Туркманистон, Россия, Греция ва Ҳиндистон давлатларида ўзбек киноси кунлари ўтказилди.

Болалар ва ўсмирлар аудиториясига мўлжалланган анимацион фильмлар яратиш ҳам Агентликнинг доимий диққат марказида. Айни пайтда "Ўзбекфильм"да "Узвийлик", "Ғилдиракли уй", "Довюрак ошпаз" каби мультфилмлар суратга олинмоқда. "Кенжа ботир-2", олти қисмли "Матизнинг саргузаштлари" мультфильмлари намойишга тайёр бўлди.

Матбуот анжуманида 2018 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда халқаро кинофестиваль ўтказилиши режалаштирилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Унда ўзбек киноижодкорлари суратга олган бир нечта фильм намойиш этилади.

Анжуманда тарихий фильмларни суратга олиш жараёни, фильмлардаги тил меъёрлари, ватанпарварлик мавзусининг кенг ёритилиши, кинопавильон қуриш билан боғлиқ масалалар юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича ҳам кенг маълумот берилди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТУРФА ОЛАМ

ЭСКИ АВТОМОБИЛЬ РЕКОРД НАРХДА СОТИЛДИ



1963 йилда ишлаб чиқарилган "Ferrari 250 GTO" пойга автомобили 70 миллион АҚШ долларига сотилди. Автомобилни машиналар учун гиламчалар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган WeatherTech компанияси эгаси, коллекционер Дэвид Макнил харид қилди, дейилади "ufacitynews.ru" сайтида.

Машина учун таклиф қилинган нарх рекорд сумма ҳисобланади. Аввалги рекорд ҳам "Ferrari" спорткарига тегишли бўлиб, 1963 йилда ишлаб чиқарилган машина 2013 йилда 52 миллион долларга сотилганди.

70 миллион долларга сотилган машина ўз тарихига эга бўлиб, у 1964 йилдаги "Tour de France" пойгасида ғолиб чиққан. Машина кўплаб пойгаларда муваффақиятли иштирок этганига қарамай, бирор марта ҳам ҳалокатга учрамаган ва аъло кўринишда сақланиб қолган. Ушбу машинадан 1962-1964 йилларда 36 дона ишлаб чиқарилган.

АҚШлик модельер Ральф Лорен, канадалик сармоядор Лоуренс Стролл ва Walmart компанияси вориларидан бири Робсон Уолтон ана шундай спорткарлар коллекцияси билан шуғулланади. Мутахассислар башоратига кўра, сотилган машинанинг нархи яқин йилларда 100 миллион долларгача кўтарилиши мумкин.

Моҳира КЕНЖАЕВА тайёрлади.

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати Раъно Саломовага отаси

Васси БОБОнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгаши депутати Шерзод Хушназаровга онаси

Анора БОТИРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 616, Адади — 7484. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 02.00.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56